

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқукида

РОБИМҚУЛОВ НУСРАТ МУРТАЗАЕВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ
ШАРОИТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА
УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5А340901 – «Бухгалтерия ҳисоби»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: _____ и.ф.н., доц. О.Қулжонов
(имзо)

Магистратура директори: _____ и.ф.н., доц. У. Ортиқов
(имзо)

ТОШКЕНТ -2017

М У Н Д А Р И Ж А:

Кириш.....	3
I ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БОБ. ШАРОИТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг ташкил этиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	7
1.2. Фермер хўжаликлари фаолиятида шартномавий муносабатлар.....	12
II ИҚТИСОДИЁТНИ ГЛОБАЛЛАШУВИ ШАРОИТИДА БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ХУСУСИЯТЛАРИ	
2.1. Маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар ва уларнинг ҳисоби.....	27
2.2. Фермер хўжаликларида давр харажатлар ва молиявий фаолият харажатлар ҳисоби.....	39
2.3. Деҳқончилик маҳсулотларининг дастлабки, аналитик ва синтетик ҳисоби.....	50
III ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ БОБ. ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	
3.1. Фермер хўжаликларида счетларни ёпилиши.....	57
3.2. Деҳқончиликнинг айрим тармоқларида харажатларни ҳисобга олишнинг хусусиятлари.....	61
Хулоса ва таклифлар.....	77
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	80

Кириш

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Қишлоқ хўжалик мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи ўринни эгаллайди. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг салмоқли қисми шу соҳада етиштирилади. Аҳолининг 60 фоиздан ортиқ қисми қишлоқда яшайди. Шунинг учун соҳани ривожлантириш масаласига мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларданок катта эътибор берила бошланди, яъни қишлоқ хўжаликни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида қатор Қонунлар, Фармонлар ва Қарорлар қабул қилинди, натижада ушбу соҳада улар ўз самарасини бера бошлади. Шулар орасида Президентнинг 2003 йил 24 мартда «Қишлоқ хўжаликда ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўллари тўғрисида» қабул қилган Фармони қишлоқ хўжаликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнади. Мазкур Фармон қишлоқ хўжаликда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг асосий субъекти сифатида фермер хўжаликни ривожлантиришни устувор йўналиш деб белгилаб берди. Шундан кейин фермер хўжаликлари сони ҳам, улардаги ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кескин ўсди ва ўсиб бормоқда. Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳақиқатда устувор йўналишга айланди. Шунинг эътиборга оладиган бўлсак, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш вазифасини ҳал этиш қанчалик муҳим стратегик аҳамиятга эга экани ҳақида ортиқча гапиришга бугун зарурат йўқ.

Бу борада Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: «...иқтисодиётимизда юз бераётган ижобий ўзгаришларни яққол тасаввур қилиш учун қуйидаги рақамларни келтириб ўтмоқчиман.

Агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7,7 ва 12,4 фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 37

фоиздан 49 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжаликнинг улуши эса 30,1 фоиздан 17,5 фоизга тушди.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, қишлоқ хўжаликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши камайиб бораётган бир шароитда ушбу соҳада маҳсулот етиштириш юқори суръатлар билан кўпаймоқда.

2010 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробар ошгани ҳам шундан далолат беради.

Бизнинг бу борадаги энг катта ютуғимиз ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошганида намоён бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия ҳисобини давр талаби асосида ташкил этиш, маҳсулот таннархини тўғри аниқлаш, ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини янада такомиллаштириш бозор иқтисодиётининг муҳим талабларидандир.

Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек: “Бугунги кунда фермер хўжаликларни ташкил этиш ва қайта ташкил этиш, уларга ер участкаларини узок муддатга ижарага бериш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларитомонидан фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларнинг фаолият кўрсатишига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қабул қилиш билан боғлиқ деярли бирорта масала фермерлар кенгашларинининг бевосита иштирокисиз ҳал этилиши мумкин эмас”

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган ҳамда тармоққа хос бўлган ташкилий, иқтисодий ва технологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ҳисоб ва аудитни ташкил этиш муҳим вазифалардан биридир.

Ушбу ҳолатни ҳисобга оладиган бўлсак, қишлоқ хўжалик корхоналарида ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ҳамда аудитини ташкил этиш ҳамда уларда фойдаланиладиган манбалар билан

таъминланганликни такомиллаштирилиб борилиши бозор иқтисодиётининг энг долзарб масалаларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади.

Диссертациянинг объекти бўлиб, фермер хўжаликларининг бухгалтерия маълумотлари ҳисобланади.

Диссертациянинг предмети бўлиб, қишлоқ хўжалик корхоналарида ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ҳамда аудитини ва уни такомиллаштириш масалалари ҳисобланади.

Диссертациянинг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишнинг асосий мақсади қишлоқ хўжалик корхоналарида ёрдамчи ва умумишлаб чиқаришлар ҳисоби ва аудитининг ҳозирги ҳолатини ўрганиб чиқиб, камчиликларини ёритган ҳолда уни такомиллаштириш бўйича тегишли хулоса ва таклифлар бериш ҳисобланади.

Ушбу битирув малакавий ишда Ўзбекистон Республикасидаги қишлоқ хўжаликдаги корхоналар фаолиятининг ижобий ютуқлари, мавжуд муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари ҳамда такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган. Қўйилган асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда битирув малакавий ишси олдида қуйидаги вазифалар қўйилди:

- Ўзбекистон Республикасида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда фермер хўжаликларининг тутган ўрнига баҳо бериш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларига баҳо бериш ҳамда мавжуд имкониятларини очиб бериш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини аниқлаш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарида аудит ўтказишнинг хусусиятлари ўрганиш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарида ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатларининг тақсимланиши ўрганиш;
- ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатлари аудитини ўтказиш ва уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Диссертациянинг назарий ва амалий аҳамияти. Бититув малакавий ишнинг назарий асосини Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини тартибга солувчи Қонунлари, Президент И.А.Каримовнинг мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва бозор муносабатларига бағишланган фармонлари, асарлари ҳамда кўрсатмалари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Молия Вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи услубиётига оид меъёрий ҳужжатлари, шунингдек, иқтисодчи олимларнинг шу соҳага оид илмий ишлари, хўжалик корхоналарининг статистик маълумотлари, илмий-тадқиқот институтларининг тавсияларидан фойдаланилди. Бититув малакавий ишнинг амалий аҳамияти унинг асосий натижаларини қишлоқ хўжалик корхоналарида ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ҳамда аудитини ташкил этиш бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлиги билан белгиланади.

Диссертациянинг тузилиши унинг мақсади ва вазифалари билан белгиланади. Диссертацияни таркибий тузилишига кўра кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборатдир.

I БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг ташкил этиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ фермер хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш фермер хўжалиги раҳбари томонидан (7–модда) амалга оширади.

Бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлаш бўлиб, ушбу мақсадни таъминлаш учун:

- бухгалтерия ҳисоби счётларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни жамлаш;
- мулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисида тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;
- хўжалик юритувчи субъектни самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;
- молиявий, солиқ ва бошқа ҳисоботларни тузиш каби вазифаларни бажариш зарур бўлади.

Фермер хўжаликларидаги бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар ҳисоб объектларининг ва ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзига хослиги характерланади. Ушбу ўзига хос хусусиятларни асосан қуйидагилар ҳисобланади:

1. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси ер бўлганлиги туфайли ер мулкнинг ва ерга сарфланадиган маблағларнинг аниқ ҳисобини таъминлашнинг муҳимлиги.

2. Ҳайвонлар ва ўсимликлар қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ўзига хос воситалари сифатида қатнашади ҳамда тегишли тармоқларнинг

ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий ва биологик омиллар таъсири билан бирлашиб кетади.

3. Фермер хўжалик ишлаб чиқариши майдон жихатидан тарқок жойлашгани ва ишлаб чиқариш жараёни катта-катта майдонларда олиб борилиши сабабли ишлаб чиқариш фаолиятини жойдан жойга кўчиришда тракторлар, комбайнлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва бошқалар кенг қўлланилади.

4. Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар цикли узоқ муддат давом этиши билан характерланади. Шунингдек ишлаб чиқариш жараёнлари кўпчилик тармоқларда бир календар йилидан иккинчисига ҳам ўтади.

5. Фермер хўжаликлари етиштираётган маҳсулотлар ўсимликлар ва ҳайвонларининг биологик хусусиятлари шу билан боғлиқки, бунда битта ўсимликдан ёки бир турдаги молдан бир неча маҳсулот олиниши мумкин.

6. Фермер хўжалигида тайёр маҳсулот олиш ўсимликларнинг етилиши ва чорва молларини боқилиш муддатлари билан боғлиқ

7. Фермер хўжалигида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг кўпчилик қисми ички оборотга, яъни хўжалик ичидаги истеъмолга ҳам келиб тушиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг энг асосий принципи бўлган баланслаштириш ҳисобланади. Мазкур принципни таъминлаш мақсадида қуйидаги асосий қоидаларга амал қилинади:

- бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзув усулида юритиш;
- узлуксизлик;
- хўжалик операциялари, актив ва пассивларнинг пулда баҳоланиши;
- аниқлик;
- ҳисоблаш;
- олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик);
- мазмуннинг шаклдан устунлиги;

- кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги;
- молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги;
- ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги;
- активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши.

Бозор муносабатлари шароитида фермер хўжаликларига ҳам ҳисоб юритиш сиёсатини яъни, бухгалтерия ҳисобини шакли, ҳисоб ахборотини ишлаш технологияси ва бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш усуллари танлаш ҳуқуқлари берилган. Шу муносабат билан фермер хўжалиги ўзининг ҳисоб сиёсатини мустақил белгилайди ва унинг асосларини йил бошида буйруқ билан тасдиқлайди.

Ҳисоб сиёсати корхонанинг бухгалтерия ҳисобини юритишга оид услубий қоидалари йиғиндиси ҳисобланади. Ҳисоб сиёсатида:

- асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш;
- асосий воситаларни таъмирлаш сарфларини ҳисобга олиш;
- материалларни сотиб олиш сарфларини ҳисобга олиш;
- моддий айланма маблағларининг ҳисобини ташкил қилиш ва баҳолаш;
- ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш;
- материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, жўнатишган товарларни баҳолаш;
- ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотни ҳисобда акс эттириш;
- маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализациясини ҳисобга олиш;
- шубҳали қарзлар бўйича ҳар хил заҳира(резерв)ларни яратиш;
- соф фойда ҳисобидан ҳар хил жамғармаларни ҳосил қилиш ва бошқа масалалар акс эттирилади.



1-чизма. Қишлоқ хўжалик корхоналарини бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатида таснифланиши¹

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ҳар бир корхона, ташкилот ёки фирма фармон, низом ва кўрсатмаларга риоя қилган ҳолда ҳисоб сиёсатини ўзи белгилайди ва субъект раҳбари ёки мулк эгасининг бўйруғи билан тасдиқланади. Бу бўйруқда бухгалтерия аппаратини ташкил қилиш ва унинг тузилиши, молиявий ва бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг аниқ тартиб ва қоидалари белгиланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолияти асосий ва асосий бўлмаган фаолият турларига бўлинади. Уларнинг асосий фаолиятига бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ фаолият, асосий

¹К.Б.Уразов, С.В.Вохидов, Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. “ADIB NASHRIYOTI”. Тошкент 2011йил. 144 б.

бўлмаган фаолиятига эса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга бевосита алоқаси бўлмаган молиявий, инвестиция ва бошқа фаолият турлари киради.



2-чизма: Қишлоқ хўжалик корхоналарининг маҳсулотларини етиштириш бўйича турларга бўлиниши².

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунига кўра бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилиниши корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбари томонидан амалга оширилади. Бунда субъектнинг раҳбарига қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

- бош бухгалтер раҳбарлигида бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этиш ёки шартнома асосида жалб қилинган бухгалтерия хизматидан фойдаланиш;
- бухгалтерия ҳисобини юритишни шартнома асосида ихтисослаштирилган бухгалтерия марказига ёки таркибига бухгалтерия субъекти ҳам кирадиган хўжалик бирлашмасининг марказлаштирилган ҳисобга олиш бўлимига юклаш;
- бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.

Шу билан бирга субъектнинг раҳбари қуйидагиларни таъминлаши шарт:

- ички ҳисоб ва ҳисобот тизимини ишлаб чиқишини;
- хўжалик операцияларини назорат қилиш тартибини;

² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

- бухгалтерия ҳисоби тўлиқ ва аниқ юритилишини;
- ҳисоб-китоб ҳужжатларининг сақланишини;
- ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботнинг тайёрланишини;
- солиқ ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларнинг тайёрланишини;
- ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини.

Пул маблағларини, товар-моддий ва бошқа қийматликларни қабул қилиш учун асос бўлиб ҳисобланадиган ҳужжатлар корхона, муассаса ва ташкилотнинг кредит ва ҳисоблашиш мажбуриятлари, шунингдек бухгалтерия ҳисоботи, баланси раҳбари ёки унинг хоҳиши билан тасдиқланган икки шахс томонидан имзоланади. Биринчи шахс раҳбарлик функцияларини, иккинчиси эса бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув функцияларини бажаради. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунига кўра (7 модда) фермер хўжалик раҳбари икки вазифани ҳам ўзи бажариши мумкин.

1.2. Фермер хўжаликлари фаолиятида шартномавий муносабатлар.

Иқтисодийётни модернизация қилиш шароитида хўжалик субъектлари орасидаги муносабатлар асосан шартномалар орқали тартибга солинади. Шунинг учун фермер хўжаликлари раҳбарлари учун шартнома тушунчаси, унинг ҳуқуқий асослари ва тузиш тартиблари тўғрисида қоидаларни билишлари муҳимдир. Фермер хўжаликлари учун шартнома муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар:

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси;
- "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонун;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

- Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 353-моддасига асосан икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома ҳисобланади.

Шартномаларни тузиш (қонунда ёки олинган мажбуриятлар назарда тутилган ҳоллардан ташқари) эркин (Фуқаролик Кодекси 354-моддаси) бўлиб, унинг учун икала тарафнинг ҳам розилиги бўлиши шарт.

Тарафлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ва турли шартномаларнинг элементларини ўз ичига оладиган шартнома (аралаш шартнома)ларни ҳам тузишлари мумкин. Барча шартномаларнинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади (шартлар мазмуни қонун ҳужжатларида кўрсатиб қўйилган ҳоллар бундан мустасно).

Бир тарафнинг иккинчи тарафга ҳақ ёки бошқа муқобил тўловсиз бирор нарса бериш ёки иш, хизмат кўрсатиш мажбуриятини олиш бўйичва тузган шартномаси текинга тузилган ва тараф ўз бурчларини бажарганлиги учун ҳақ олиши ёки унга бошқа муқобил тўлов тўланиши назарда тутилган шартнома эса ҳақ эвазига тузилган шартнома ҳисобланади.

Агар қонун ҳужжатларидан, шартноманинг мазмуни ёки моҳиятидан бошқача ҳол англашилмаса, шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома ҳисобланади. Шартномани бажарганлик учун тарафларнинг келишуви билан белгиланган баҳо, қонунда назарда тутилган ҳолларда ваколатли давлат органлар белгилайдиган баҳолар шартноманинг баҳоси ҳисобланади. Шартнома баҳоси қонун ҳужжатлари ва шартномада назарда тутилган тартибда шартларда ўзгартирилиши мумкин.

"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига кўра хўжалик шартномаси битимлар тузиш учун назарда тутилган ёзма

шаклда тузилади ва тузилган пайтидан бошлаб кучга кириб, тарафлар учун мажбурий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 357-моддаси учинчи қисмига мувофиқ қонунда ёки шартномада шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларнинг шартнома бўйича мажбуриятларини бекор бўлишига олиб келади. Агар бундай шарт мавжуд бўлмаса, шартноманинг амал қилиш муддати тугаган бўлса ҳам тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларини лозим даражада бажарган тақдирдагина шартнома ўзининг амал қилишини тугатади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги "Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 383-сонли ва 2003 йил 30 октябрдаги "2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 476-сонли қарорларида фермер хўжаликларининг тайёрловчи, хизмат кўрсатувчи ва моддий-техника ресурслари етказиб берувчи ташкилотлар билан бўладиган шартномавий муносабатларини тартибга солиш бўйича Низом ҳамда намунавий шартномалар тасдиқланган.

Мазкур қарор билан тасдиқланган Низомга мувофиқ фермер хўжаликлари:

- контрактация шартномалари (1-илова);
- моддий-техника ресурслари етказиб бериш бўйича шартномалар (2-илова);
- хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар (3-илова) орқали фаолият юритадилар.

Контрактация шартномаси бўйича фермер хўжалиги етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ёки сотиш учун харид қилувчи корхона (ташкилот ёки шахс) ларга уларни келишилган муддатларда ва баҳоларда етказиб бериш мажбуриятини олади. Тайёрловчи ташкилотлар

эса муайян нарх бўйича келишилган муддатларда ҳақ тўлаб ушбу маҳсулотларни сотиб олиш мажбуриятини оладилар.

Моддий-техника ресурслари (эҳтиёт қисмлар, уруғлик, ўсимликларни химоя қилиш воситалари, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит ва бошқалар) етказиб бериш юзасидан тузилган шартномалар бўйича етказиб берувчи ташкилот фермер хўжалигига ўзи ишлаб чиқарадиган ёки харид қиладиган моддий-техника ресурсларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда фойдаланиш учун келишилган муддатларда етказиб бериш, фермер хўжалиги эса моддий-техника ресурсларини қабул қилиб олиш ҳамда улар учун белгиланган ёки келишилган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузилган шартнома бўйича хизмат кўрсатувчи ёки иш бажарувчи ташкилот фермер хўжалиги буюртмасига биноан механизациялашган ишларни бажариш, яъни сервис, агрокимё, агротехника ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бошқа хизматлар кўрсатишни таъминлаш, фермер хўжалиги эса ушбу ишлар (хизматлар)ни қабул қилиб олиш ва улар учун белгиланган ёки келишилган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Фермер хўжалиги билан тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилган юқорида қайд этилган шартномалар ваколатли органдан рўйхатдан ўтказилиши шарт. Шунинг учун фермер хўжалиги билан тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш, моддий-техника ресурсларини етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузилган барча турдаги шартномалар ваколатли орган - туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликлари билан тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ташкилотлари ўртасида контрактация шартномалари, шунингдек моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузилган шартномалар

фермер хўжалигининг бизнес-режаларида назарда тутилган етиштириладиган маҳсулот ҳажмига мос зарур бўладиган моддий-техника ресурслари ҳажмларидан келиб чиққан ҳолда, агротехника тадбирларини амалга ошириш бошланишидан бир ой олдин, лекин календар йил бошланишидан кечикмай тузилади.

Шартномаларда қуйидагилар ўз аксини топиши лозим:

- шартноманинг мавзуси, маҳсулотнинг номи, ассортименти, миқдори (ҳажми), сифати, нархи (турлари бўйича);
- шартноманинг умумий қиймати (суммаси);
- томонларнинг ҳуқуқлари ва ўзаро мажбуриятлари;
- маҳсулотларни етказиб бериш тартиби ва шартлари, топшириш ва қабул қилиб олиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) пунктлари ва даврлари (муддатлари);
- идишга, маркировка қилишга, ўраш-жойлашга қўйиладиган талаблар;
- ҳисоб-китоблар тартиби, шакли ва муддатлари, томонларнинг тўлов, почта ва юклаб жўнатиш реквизитлари;
- шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги;
- низоларни, форс-мажор ҳолатларни ҳал этиш тартиби;
- томонларнинг реквизитлари, шартнома тузилган сана ва жой.

Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш юзасидан тузиладиган контрактация шартномаларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ҳамда фермер хўжалиги ихтиёрида қоладиган маҳсулотларнинг нави ва миқдори ҳам кўрсатилади.

Шартномага қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) муддатлари, миқдори ва ассортиментини белгиловчи, иккала томоннинг

имзоси билан тасдиқланган ҳамда шартноманинг таркибий қисми ҳисобланадиган жадвал илова қилинади.

Шартнома тузиш учун ташаббускор фермер хўжалигининг бевосита жойлашган жойидаги тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳисобланади. Шунинг учун тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари агротехника чора-тадбирларини амалга оширишдан бир ой олдин шартнома тузиш учун хўжаликка ўзининг ваколатли вакилини шартнома лойиҳаси билан юборилишини таъминлайди. Фермер хўжалиги шартнома лойиҳасини тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилоти вакилидан олган сўнг 7 кун мобайнида кўриб чиқиб, эътирозлар бўлмаган тақдирда лойиҳани имзолаб тайёрловчи (хизмат кўрсатувчи)га қайтаради.

Агар фермер хўжалигининг шартнома лойиҳаси шартлари бўйича эътирозлари бўлса, хўжалик юқорида кўрсатилган муддатларда, яъни 7 кун ичида шартнома шартлари бўйича келишмовчиликлар тўғрисида протокол тузади ва уни тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилотига жўнатиб, шартнома шартлари бўйича келишмовчилик тўғрида туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимини хабардор қилиши лозим бўлади.

Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилоти келишмовчиликлар тўғрисидаги протокол олинган вақтдан бошлаб 7 кун мобайнида уни (зарурат бўлганда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими вакили билан биргаликда) кўриб чиқиши ва кўриб чиқиш натижалари бўйича таклифларни шартнома лойиҳасига киритиши ёхуд ҳал этилмаган келишмовчиликларни худди шу муддатларда кўриб чиқиш учун тегишли хўжалик судига бериши шарт. Шартнома томонлардан ҳар бири ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими учун бир нусхадан тузилади. Шартноманинг барча нусхалари бир хил юридик кучга эга бўлади. Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари фермер хўжалиги билан шартномаларнинг ўз вақтида тузилиши учун жавобгар ҳисобланади. Тарафлар томонидан имзоланган шартнома 3 кун мобайнида тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади.

Шартнома туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан рўйхатдан ўтказиш вақтида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги, унда кўрсатилган муҳим шартларнинг мавжудлиги ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан нарх бўйича тартибга солиниши керак бўлган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) нархларига риоя этилганлиги текширилади ва қўйиладиган талабларга мувофиқлиги 3 иш куни мобайнида ўрганилади. Ўрганишлар натижалари бўйича шартноманинг барча нусхаларига тегишли белги қўйилиб, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ходими томонидан имзо ҳамда муҳр билан тасдиқланади. Шартнома рўйхатдан ўтказилгандан сўнг 2 кун муддатда тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ва фермер хўжалигига рўйхатдан ўтказилган шартноманинг бир нусхасини жўнатилади.

Шартнома белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, аниқ сабаблар кўрсатилган ҳолда уни рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида ёзма равишда қарор қабул қилинади. Рад этиш сабаблари тўғрисидаги хабар тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳамда фермер хўжалигини туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими 2 кун муддатда юборилади.

Рўйхатдан ўтказилган шартномага киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар бегиланган тартибда расмийлаштирилиб, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин ҳақиқий ҳисобланади ва бажарилади. Шартнома барча нусхалари томонлар мажбуриятлар тўлиқ бажарилган вақтдан бошлаб, уч йил мобайнида сақланади.

Контракция шартномаларида фермер хўжалигининг қуйидаги ҳуқуқлари акс эттирилиши лозим:

Фермер хўжаликлари, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида тузиладиган шартномаларда томонларнинг қонуний характерга эга бўлган мажбуриятлари белгилаб қўйилади. Мазкур мажбуриятлар асосан қуйидагилардан иборатдир.

Фермер хўжалигининг мажбуриятлари:

- маҳсулотнинг муайян турларини тайёрловчи ташкилотга шартномада белгиланган миқдорларда ва ассортиментда ҳамда муддатларда

тегишли сифат билан етказиб бериш;

- илова қилинаётган ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш ва маҳсулотни топширишда қўйиладиган бошқа талабларга (идишга жойлаш, қадоқлаш, қорамолларни тамғалаш ва бошқаларга) риоя этиш;

- маҳсулотни тайёрлов ташкилотига топшириш учун ўз вақтида тайёрлаш;

- етказиб берилган моддий-техника ресурслари ва кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) учун тўловни (ҳисоб-китобларни) хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ ўз вақтида амалга ошириш.

- қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ белгиланган бошқа мажбуриятлар.

Тайёрлов ташкилотининг мажбуриятлари:

- қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжаликлар билан томонлар келишган ҳажмларда ўз вақтида шартномалар тузиш;

- хўжаликларга шартномада белгиланган даврларда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш муддатларига мувофиқ маҳсулотлар қийматининг камида 50 фоизи миқдорида (чорвачилик маҳсулотлари бўйича - шартномаларда кўрсатилган ҳажмлар қийматининг 25 фоизи миқдорида) аванс маблағлари тўлаш;

- харид қилинадиган маҳсулотнинг вазни ва сифатини тўғри аниқлаш;

- хўжаликлар томонидан етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шартномада назарда тутилган миқдорларда ва муддатларда харид қилиш, уларнинг узлуксиз қабул қилиб олиншини таъминлаш;

- хўжаликлар ихтиёрида қоладиган маҳсулотларни шартномада назарда тутилган ҳолларда давлат стандартлари ва техник шартлар талабларига мувофиқ сақлаш ҳамда уларнинг ҳолати тўғрисида хўжаликларга мунтазам равишда хабар қилиб туриш;

- хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган маҳсулотлар сифатининг

ёмонлашиши оқибатида хўжаликларга етказилган зарарни қоплаш;

- агар шартномада ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини келишилган жадвалга мувофиқ қабул қилиб олишни ва ташишни таъминлаш;

- харид қилинаётган маҳсулот сифатини амалдаги стандартлар талабларига мувофиқ аниқлаш, шартномада белгиланган нархларга мувофиқ ва муддатларда маҳсулот учун ҳисоб-китоб қилиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, тайёрлаш, ташиш ва қайта ишлашда улар нобуд бўлишининг олдини олиш;

- маҳсулотларни амалдаги стандартларга мувофиқ қайта ишлаш, сотишга тайёрлаш ва уларни сотишга тааллуқли ҳужжатларни расмийлаштириш;

- хўжаликларни идишлар, ўраш материаллари ва норматив-техник ҳужжатлар (стандартлар, техник шартлар, маҳсулотларнинг айрим турларини харид қилиш, қабул қилиб олиш, сифатини баҳолаш тартибини тартибга солувчи қоидалар) билан шартномаларга мувофиқ таъминлаш;

- шартномаларда назарда тутилган ҳолларда хўжаликларни уруғлик ва экиш материаллари билан таъминлаш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлов ташкилоти жойлашган жойда ёки улар кўрсатган бошқа жойда қабул қилиб олинган тақдирда хўжаликлар томонидан контрактация шартномасига мувофиқ етказиб берилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини белгиланган муддатларда қабул қилиб олиш.

- қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ белгиланган бошқа мажбуриятлар.

Хизмат кўрсатиш ташкилотларининг мажбуриятлари:

- хўжаликлар билан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида шартномалар тузиш ва шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

- хўжаликларнинг буюртманомаларига биноан шартномага мувофиқ муддатларда, миқдорда ва сифатда моддий-техника ресурслари етказиб бериш ҳамда хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш);

- етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари, кўрсатиладиган хизматлар сифатининг шартномада белгиланган талабларга, шунингдек амалдаги стандартлар ва нормативларга мувофиқлигини таъминлаш;

- шартномани бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида хўжаликка етказилган зарарни қоплаш.

- қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ белгиланган бошқа мажбуриятлар.

Маҳсулотни ташиш ва тушириш харажатлар тайёрлов ҳамда хизмат кўрсатиш ташкилотлар ҳисобидан амалга оширилади. Маҳсулотлар фермер хўжалиги транспортида етказиб берилса, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари хўжаликка маҳсулотни ташиш харажатларини ҳақиқий вазни (идишни ҳам қўшиб) бўйича қоплаб берадилар.

Контракция шартномалари бўйича харажатлар маҳсулот хўжаликдан жўнатилган жойдан бошлаб (саралаш пункти, бригада, бўлим, чорвачилик фермаси, яйлов, марказий омбор, хўжаликнинг марказий кўрғони ва ҳоказолар) шартномада назарда тутилган қабул қилиш пунктигача (қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган нормалар ва тарифлар бўйича ёхуд томонларнинг келишувига кўра) қопланади. Моддий-техника ресурслари етказиб бериш шартномалари бўйича харажатлар маҳсулотни қабул қилиш пунктидан шартномада назарда тутилган етказиб бериш жойигача (қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган нормалар ва тарифлар бўйича ёхуд томонларнинг келишувига кўра) қопланади.

Шартномани бажаришдан қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳоллардан ташқари бир томонлама воз кечишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Шартнома бўйича томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 324-339-моддалари талабларига

мувофиқ белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини контракция шартномасида белгиланган ассортимент ва турларда, муддатларда топширишдан асоссиз бўйин товлаган хўжалик тайёрловчига топширилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жарима миқдори ўтган давр (ой, чорак, йил)да маҳсулотнинг шаклланган ўртача нархидан келиб чиқиб, харид нархларига белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан ҳисоблаб чиқилади. Бундан ташқари, зарарнинг маҳсулот етказиб берилмаганлиги туфайли юзага келган, жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини контракция шартномасида белгиланган ассортимент, турлар ва муддатларда қабул қилиб олиш рад этилган ҳар бир ҳолат учун тайёрлов ташкилоти хўжаликка белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан шаклланган ўртача нархдан келиб чиқиб қабул қилинмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди, тез бузилувчи маҳсулот бўйича эса - унинг тўлиқ қийматини тўлайди. Бундан ташқари, маҳсулотни қабул қилиш рад этилганлиги туфайли хўжалик кўрган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади.

Контракция шартномасига мувофиқ топширилган (юклаб жўнатилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун ҳақ тўлашдан асоссиз бош тортилганда (хўжаликка тегишли суммаларни, белгиланган устамаларни ҳам кўшиб, ўз вақтида ҳисоблаб ўтказмаганлик, ҳисоб-китобларнинг акцепт шаклида эса тўлов топшириғи акцептини асоссиз тўлиқ ёки қисман рад этганда) тайёрлов ташкилоти хўжаликка тўланмаган суммани, ўзи тўлашдан бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдоридаги жаримани тўлайди. Тайёрлов ташкилоти жаримадан ташқари хўжаликка муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтказиб юборилган суммаларнинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган пеня тўлайди.

Товар-транспорт ҳужжатини расмийлаштириш рад этилганлиги ёки

нотўғри расмийлаштирилганли учун айбдор томон бошқа томонга товар-транспорт ҳужжатини расмийлаштириш рад этилганлиги ёки нотўғри расмийлаштирилганлигининг ҳар бир ҳолати учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида жарима тўлайди.

Юклаб жўнатилган товарларга тўлов ёки товар-транспорт ҳужжатининг нусхаси белгиланган муддатда юборилмаганлиги ёки товарлар юклаб жўнатилганлиги тўғрисида бошқа ахборот тақдим этилмаганлиги учун айбдор томон ҳар бир ҳолат учун товар қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Хўжаликни стандартлар талаблари ва техник шартларга жавоб берадиган, маҳсулотнинг тегишли турларини харид қилишни тартибга солувчи йўриқномалар ва қоидаларда ёки контракция шартномасида белгиланган миқдорда ва муддатларда идиш ва ўраш материаллари билан таъминланмаганлиги учун тайёрлов ташкилоти хўжаликка етказиб берилмаган идиш, ўраш материалларининг етказиб бериш вақтида амалда бўлган қийматининг 2 баравари миқдорида жарима тўлайди. Тайёрловчининг хўжаликни идиш билан таъминламаганлиги маҳсулот сифатининг пасайишига ёки тез бузилувчи маҳсулотнинг бузилишига олиб келган бўлса, тайёрлов ташкилоти хўжаликка кўрилган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисмини ҳам тўлайди. Бунда хўжалик сифатсиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берилганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади.

Томонлар ўртасида келишилган жадвалга мувофиқ келган транспортнинг белгиланган муддатдан ортиқча бекор туриб қолганлиги учун айбдор томон бекор туриб қолиш билан боғлиқ харажатларни тўлайди. Бекор туриб қолиш вақти томонлар ўртасида имзоланган далолатномага мувофиқ расмийлаштирилади.

Тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилот томонидан маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар сифати, миқдори нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда

тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қиладилар ҳамда ушбу ҳисобланган суммадан ташқари хўжаликка нотўғри ҳисобланган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайдилар.

Маҳсулот учун ҳисоб-китоб қилишда тайёрловчи томонидан ортиқча олинган пул суммалари қайтариб берилмаган тақдирда (айни бир маҳсулотнинг ўзига такроран ҳақ тўланганда, маҳсулот нархи нотўғри қўлланилганда, товарсиз тўлов талабномасига ҳақ тўланганда ва бошқаларда) тайёрловчи ушбу суммани қайтаради ва бошқа томонга ушбу пул маблағларидан фойдаланилган бутун вақт учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси миқдорида ортиқча олинган сумма учун жарима тўлайди.

Агар юклаб жўнатилган маҳсулот (бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар)нинг сифати, ассортименти, сорти стандарт талабларига, техник шартларга, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон сифати зарур даражада бўлмаган маҳсулот (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун хизмат кўрсатувчи ташкилот хўжаликка белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилмаган моддий-техника ресурслари ёки кўрсатилиши керак бўлган хизматлар қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари хизмат кўрсатувчи ташкилот хўжаликка моддий-техника ресурслари етказиб берилмаганлиги, ишлар бажарилмаганлиги ёки хизматлар кўрсатилмаганлиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

Етказиб бериш муддати кечиктирилган, товарлар етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган тақдирда хизмат

кўрсатувчи ташкилот хўжаликка муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартноманинг зарур даражада бажарилишидан ва етказиб бериш кечиктирилганлиги, товарлар тўлиқ етказиб берилмаганлиги, ишлар бажарилмаганлиги ёки хизматлар кўрсатилмаганлиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод қилмайди.

Томонларнинг келишувига кўра шартномада шартнома мажбуриятлари бажарилмаслиги ёки зарур даражада бажарилмаслиги учун жавобгарликнинг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чоралари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар натижасида олдиндан кўриш ва бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар (форс-мажор ҳолатлар) муносабати билан уларнинг иродаси ва хоҳишига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича ўз зиммаларига олган шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги учун бир томон бошқа томон олдида жавоб бермайди.

Хўжаликлар томонидан контракция шартномалари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун уларни жавобгарликка тортишда шунингдек хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида контракция шартномалари бўйича шартнома мажбуриятлари хўжаликлар томонидан бажарилмаслиги (зарур даражада бажарилмаслиги) учун хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Хизмат кўрсатиш ташкилотларининг айби билан хўжаликлар томонидан контракция шартномалари бажарилмаслиги (зарур даражада бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар ушбу ташкилотлар томонидан

белгиланган тартибда қопланади.

Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари хўжаликлар билан тузилган шартномалар бажарилиши бўйича “Шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг бажарилишини мониторинг қилиш дафтари”ни юритиб боради.

Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикмай ҳар ойда хўжаликлар жойлашган жойдаги тегишли туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларига белгиланган шакл бўйича пахта, бошоқли экинлар дони ва шоли бўйича хўжаликлар билан тузилган шартномалар бажарилишининг бориши тўғрисида ахборот беради.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикмай ҳар ойда хўжаликлар жойлашган жойдаги тегишли туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларига белгиланган шакл бўйича пахта, бошоқли экинлар дони ва шоли етиштириш учун хўжаликлар билан моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузилган шартномалар бажарилишининг бориши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиб боради.

Адлия органлари ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги органлари тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилиши устидан ўз ваколатлари доирасида назорат қиладилар ва мониторинг олиб борадилар.

II БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ГЛОБАЛЛАШУВИ ШАРОИТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар ва уларнинг ҳисоби.

Ўсимликчилик тармоғи қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланиб, аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, чорвачиликни озуқа ва қайта ишлаш саноатини хом-ашё билан таъминлайдиган муҳим соҳа ҳисобланади. Ўсимликчилик тармоқларига пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ва бошқа тармоқлар киради.

Ўсимликчилик тармоғида бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ўсимликчилик тармоғида ишлаб чиқариш жараёнларини мавсумийлиги, маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни қоплаш даврини узоқлиги, ишлаб чиқаришни табиий омилларга боғлиқлиги каби ҳолатлар таъсирини ҳисобга олиниши зурурдир.

Ўсимликчилик тармоғининг айрим ишлаб чиқариш харажатларини тўғридан-тўғри харажат объектига олиб борилмасдан, дастлаб алоҳида аналитик счётларда ҳисобга олинади ва кейинчалик тармоқлар бўйича тақсимланади. Бундай харажатлар:

- Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари.
- Тақсимланадиган суғориш харажатлари.
- Тақсимланадиган жорий таъмирлаш ва амортизация харажатларидан иборатдир.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари жорий йилда қилинган харажатлар бўлиб, келгуси йил ҳосили таннархига киритилади. Бундай харажатларга кузги шудгорлаш, ўғитлаш, шўр ювиш, суғориш кабилар мисол қилиш мумкин. Ушбу харажатлар амалга оширилган даврида бухгалтерия ҳисобининг аналитик счётда алоҳида ҳисобга олиниб шудгорланган, ўғит

сепилган, шўри ювилган ёки қишки суғориш амалга оширилган майдонларга экилган экинлар бўйича майдонлар салмоғига мос равишда тақсимланади.


Тақсимланадиган суғориш харажатлари таркибига хўжаликнинг умумий фойдаланишда бўлган канал ва ариқларни сақлаш, тозалаш, сув тақсимлаш иншоотлари, сув насосларини сақлаш ҳамда ушбу соҳа ходимларини меҳнат ҳақи ва унга ҳисобланган ижтимоий эҳтиёжларга ажратма каби харажатлари киради. Ушбу харажатлар ҳам алоҳида аналитик счётада ҳисобга олиниб, экин турлари бўйича шартли суғорилган майдон салмоғига қараб тақсимланади. Шартли суғорилган майдон миқдори суғоришлар сонини суғорилган майдонга кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Тақсимланадиган жорий таъмир ва амортизация харажатларига турли ўсимликчилик тармоқларида фойдаланилаётган асосий воситаларни жорий таъмирлаш ва эскириш харажатлари киради. Бу харажатлар ҳам алоҳида аналитик счётада ҳисобга олиниб экинлар бўйича бажарилган ишларни салмоғига қараб тақсимланади.

Ўсимликчиликда харажатлар ва маҳсулот чиқими ҳисобини таъминлашнинг асосий вазифалари:

- корхона бошқарувчилари ҳар бир экин тури бўйича ўз вақтида ишлаб чиқариш харажатлари ва олинган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш;
- ишлаб чиқариш харажатлари ва олинган маҳсулотларни бухгалтерия ҳужжатлари ва ҳисоб регистрларида ўз вақтида ва тўғри акс эттириш;
- тақсимланадиган харажатларни харажат объектлари бўйича иқтисодий асосланган ҳолда тақсимлаш;
- харажатларни харажат объектлари ва харажат моддалари бўйича тўғри ҳисобга олиб бориш;
- ишлаб чиқариш харажатлари ва олинадиган маҳсулотлар устидан доимий назоратни олиб бориш;

- маҳсулотларни тўлиқ даромадга олиниши ва сақланиши устидан назорат олиб бориш;
- ҳар бир маҳсулот таннархини иқтисодий асосланган ҳолда аниқлашни таъминлашдан иборатдир.



3-чизма: Харажатлар моддалар бўйича ҳисобга олиниши³

³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ўсимликчиликда ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чикимини ҳисоби бухгалтерия ҳисоби счётлар режасининг №2010- «Асосий ишлаб чиқаришлар ҳисоби» счётида ҳисобга олиб борилади. Бу счёт балансга нисбатан актив счёт бўлиб дебитида ўсимликчилик тармоғи харажатлари, кредитида эса етиштирилган маҳсулотлар ҳисобга олиб борилади. Етиштирилган маҳсулотлар йил давомида режа таннарида бухгалтерияда ҳисобга олиниб, йил охирида эса маҳсулотларнинг ҳақиқий таннари бўйича ҳисобга олиниши таъминланади.

Ўсимликчилик ишлаб чиқариш харажатлари амалга оширилганида «Иш вақтини ҳисобга олиш табели», «Меҳнат ва бажарилган ишни ҳисобга олиш варақаси», «Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш ҳисоб-китоби», «Уруғ ва экиш материаллари сарфлаш далолатномаси», «Минерал ва органик ўғитлар ҳамда гербицидлар ва заҳарли химикатларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси» каби ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

Харажатлар «Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»да белгиланган гуруҳлар бўйича ҳисобга олинади.

Ўсимликчиликда ушбу харажат элементлари қуйидаги 9 та харажат моддаси бўйича ҳисобга олинади:

- меҳнат ҳақи ва ундан ажратмалар;
- ўғитлар;
- асосий воситалар амортизацияси;
- уруғлик ва кўчат материаллари;
- иш ва хизматлар;
- ёқилғи ва мойлаш материаллари;
- суғурта тўловлари;
- умум ишлаб чиқариш харажатлари;
- бошқа харажатлар.

1. «Меҳнат ҳақи ва ундан ажратмалар» моддасида муайян экин турлари ёки гуруҳларининг бевосита технологик жараёнида ишлаган турли тоифадаги ходимларга ҳисобланган асосий ва қўшимча меҳнат ҳақи тўловлари ҳамда ҳисобланган меҳнат ҳақиға нисбатан ижтимоий мақсадлар учун ажратмалар ҳисобга олинади.

Дт: 2010- «Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Кт: 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб китоблар» счёти – *Ўсимликчилик тармоғи ишловчиларига меҳнат ҳақи ҳисобланганда.*

Кт: 6520- «Давлат мақсадли фондларига тўловлар» счёти –*Ҳисобланган меҳнат ҳақиға нисбатан ижтимоий мақсадлар учун ажратма ҳисобланганда.*

2. «Ўғитлар» моддасида муайян бир экин (экин гуруҳи) учун сарфланган минерал ва органик ўғитлар сарфи ҳисобга олинади.

Дт: 2010- «Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Кт: 1090- «Бошқа материаллар» счёти – *Сарфланган минерал ва органик ўғитлар қийматиға.*

3. «Асосий воситалар амортизацияси» моддасида ўсимликчилик тармоғида фойдаланилган асосий воситаларни эскириш ҳаражати ҳисобга олинади.

Дт: 2010- «Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Кт: 0200 «Асосий воситалар эскириши ҳисоби» счёти –*Ўсимликчилик тармоғида фойдаланилган асосий воситаларға эскириш ҳисобланганда.*

4. «Уруғлик ва кўчат материаллари» ҳаражат моддасида экин экиш учун сарфланган уруғлик ва ўтқазилган кўчатлар ҳаражати ҳисобга олинади.

Дт: 2010- «Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Кт: 1090- «Бошқа материаллар» счёти – *Сарфланган уруғлик ва ўтқазилган кўчат материаллари қийматиға.*

5. «Иш ва хизматлар» ҳаражат моддасида ўсимликчилик тармоғиға хўжаликни ёрдамчи ишлаб чиқаришлари кўрсатган хизмати ва чет

ташкilotлар томонидан бажарилган иш ва хизматлар харажати ҳисобга олиб борилади.

Дт: 2010- «Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Кт: 2310- «Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» счёти – *Ўсимликчилик тармоғида хўжаликни ўз ёрдамчи ишлаб чиқаришлари кўрсатган хизмат суммасига.*

Кт: 6010- «Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»- *Ўсимликчилик тармоғида чет ташкilotларнинг кўрсатган хизмати суммасига.*

6. «Ёқилғи ва мойлаш материаллари» харажат моддасида ўсимликчилик тармоғига сарфланган турли хилдаги ёқилғи ва мойлаш материаллари харажати ҳисобга олинади.

Дт: 2010- «Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Кт: 1030- «Ёқилғилар» счёти – *Сарфланган ёқилғи ва мойлаш материаллари қиймати.*

7. «Суғурта тўловлари» харажат моддасида ўсимликларни турли табиий офатлардан суғурталаш харажатлари ҳисобга олинади.

Дт: 2010- «Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Кт: 6520- «Суғурта бўйича тўловлар» счёти – *Ҳисобланган суғурта тўловлари суммасига.*

8. «Умум ишлаб чиқариш харажатлари» харажат моддасида ўсимликчилик тармоқлари бўйича умумий ишлаб чиқариш харажатларини тақсимланиши ҳисобга олинади.

Дт: 2010- «Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Кт: 2510- «Умумий ишлаб чиқариш харажатлари» счёти – *ўсимликчилик умумий ишлаб чиқариш харажатлари экинлар бўйича тақсимланганда.*

9. «Бошқа харажатлар» харажат моддасида юқоридаги моддаларда ҳисобга олинмаган ўсимликчилик тармоғининг бошқа тўғри харажатлари тегишли счётларда ҳисобга олинади.

Ўсимликчилик маҳсулотларини даромадга олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тузилади:

- «Дон ва бошқа маҳсулотларни даладан жўнатиш реестри»
- «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келиш кундалиги»
- «Пахта терими тўғрисида кунлик маълумот»
- «Боғдорчилик маҳсулотлари келиш кундалиги»
- «Ёпиқ грунт маҳсулотларини келиш кундалиги»
- «Дағал ва ширали озукаларни қабул қилиш далолатномаси».

Ўсимликчилик тармоғида етиштирилган маҳсулотлар йил давомида режа таннархида баҳолаб кириш қилинади. Йил охирида қилинган харажатлар ва олинган маҳсулотларни ҳақиқий миқдори аниқлангандан сўнг ҳақиқий таннарх ҳисобланиб режа таннархи ҳақиқий таннархга тузатилади.

Ўсимликчилик тармоғида етиштирилган маҳсулотларни кириш қилишда қуйидаги бухгалтерия проводкалари тузилади:

1. Дт: 2810 – «Тайёр маҳсулотлар» счёти

Кт: 2010–«Асосий ишлаб чиқариш» счёти–*етиштирилган маҳсулотлар омборга кириш қилинганда.*

2. Дт: 9110 – «Сотилган маҳсулотлар таннархи»

Кт:2010 – «Асосий ишлаб чиқариш» счёти – *етиштирилган маҳсулотлар тўғридан-тўғри сотилса.*

3. Дт: 6510 – «Суғурта бўйича тўловлар» счёти

Кт: 2010 – «Асосий ишлаб чиқариш» счёти- *табиий офат натижасида қўрилган зарар суғурта ташиклоти томонидан қопланганда.*

4. Дт: 1090 – «Бошқа материаллар» счёти

Кт: 2010 – «Асосий ишлаб чиқариш» счёти – *етиштирилган маҳсулотлар ем-хашак ёки уруғлик учун ажратилса.*

Фермер хўжаликларида ҳам бошқа корхоналар сингари йиллик молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида белгиланганидек 1-январдан 31-декабргача бўлган

давр ҳисобланади. Фермер хўжаликларида йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳақиқий таннархи йил охирида аниқланади. Фермер хўжалигининг таннархи аниқланадиган маҳсулоти калкуляция объекти ҳисобланиб, ўсимликчиликдан олинган асосий ва ёндош маҳсулотлар таннархи аниқланади. Қўшимча маҳсулотлар таннархи аниқланмасдан маълум баҳода баҳоланиб, жами харажатдан чегирилади.

Ўсимликчиликда маҳсулот таннархини аниқлашдан олдин қуйидаги жараёнларни тўғрилиги текширилади:

- ишлаб чиқариш харажатларини ҳар бир тармоқ ва хўжалик бўйича тўлиқ акс эттирилганлиги;
- асосий ва қўшимча маҳсулотларни тўлиқ даромадга олинганлиги;
- табиий офат натижасида нобуд бўлган экинлар харажатлари ва инвентаризация натижаларини тўлиқ ҳисобда акс эттирилганлиги;
- ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмалари томонидан курсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар бўйича калкуляция фаркларини ўтказилганлиги;
- тақсимланадиган харажатлар: умумий ишлаб чиқариш, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тақсимланадиган жорий таъмирлаш, тақсимланадиган амортизация, тақсимланадиган сугориш ва келгуси давр харажатлари тўғри тақсимланганлиги.

Маҳсулот таннархи бу - маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажат бўлиб, уни аниқлаш учун жами харажатни маҳсулот миқдорида бўлиш керак.

Харажатларни маҳсулотлар бўйича тақсимлашда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

1. Оддий усул - бу усул бир экиндан бир турдаги маҳсулот олинса кулланилади. Бунда жами харажатдан қўшимча маҳсулотлар қиймати чегирилиб, қолган харажат олинган маҳсулот миқдорида бўлинади.

2. Сотиш баҳолари асосида - бу усулда жами харажатдан қўшимча маҳсулотлар қиймати чегирилиб, қолган харажат асосий ва ёндош маҳсулотлар ўртасида уларни сотиш баҳолари асосида тақсимланади.

3. Коэффициентлар асосида - бу усулда жами харажатдан қўшимча маҳсулотлар қиймати чегирилиб, қолган харажат асосий ва ёндош маҳсулотлар ўртасида белгиланган коэффициентлар асосида тақсимланади.

4. Эксперт усули - бу усулда жами харажатдан қўшимча маҳсулотлар қиймати чегирилиб, қолган харажат асосий ва ёндош маҳсулотлар ўртасида олдиндан белгиланган фоизлар асосида тақсимланади.

5. Маҳсулотни миқдор аҳамиятига кўра- ушбу усул дон экинлари таннархини аниқлашда ишлатилади. Бунда барча асосий ва ёндош маҳсулотлар асосий маҳсулотга айлантирилиб, маҳсулотларни жами маҳсулотдаги салмоғига қараб харажатлар улар ўртасида тақсимланади.

Чорвачилик ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш.

Чорвачилик тармоғи қишлоқ хўжалигининг аҳолини озиқ-овқат билан, қайта ишловчи саноатини эса хом-ашё билан таъминлайдиган тармоқ ҳисобланади. Чорвачилик тармоғи таркиби:

- қорамолчилилик;
- қўйчилилик;
- чўчқачилик;
- паррандачилилик;
- йилқичилик;
- туячилилик;
- асаларичилик ва балиқчилилик кабилардан иборатдир.

Ушбу тармоқларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар яратиш учун кетган харажатлар ва тармоқлардан олинган маҳсулотларни бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш соҳа самарадорлигини таъминлаш учун хизмат қилади.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари таркибига:

- меҳнат ҳақи билан боғлиқ харажатлар;
- ем-хашак;

- чорвачилик учун мўлжалланган асосий воситаларнинг эскириши;
- дори-дармонлар;
- суғурта тўловлари;
- ишва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар;
- бошқа харажатлар киритилади. Бу харажатлар маҳсулот ҳажми ўзгаришига боғлиқлигига қараб доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлинади:

Доимий харажатларга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ёки ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаргани билан ўзгармайдиган харажатлар киради. Бундай харажатларга асосий воситаларга ҳисобланадиган эскириш, суғурта тўловлари, ижара ҳақи каби харажатлар киради.

Ўзгарувчан харажатлар таркибига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига боғлиқ ҳолда ўзгарадиган харажатлар киради. Ушбу харажатлар таркибига меҳнат ҳақи, ем-хашак, дори-дармон, иш ва хизматлар кўрсатиш каби харажатларни киритиш мумкин.

Мазкур доимий ва ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига қўшилишига кўра, бевосита ва билвосита харажатларга ҳам бўлинади. Бевосита харажатлар тўғридан-тўғри харажат объектларига олиб борилиб, маҳсулот таннархини ҳисобга олиб борувчи счётларда ҳисобга олиб борилади. Билвосита харажатларга чорвачилик умум ишлаб чиқариш характеридаги харажатлардан иборат бўлиб, ушбу харажатлар дастлаб 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби» счётида ҳисобга олинади ва йил охирида харажат объектлари бўйича тақсимланади.

Чорвачиликдан олинган маҳсулотлар кирими 2010 «Асосий ишлаб чиқаришлар» счётининг кредитида акс эттирилади. Йил давомида олинган маҳсулотлар режа таннархида кирим қилиб борилади ва йил охирида уларнинг ҳақиқий таннархи аниқланиб, ҳисоб маълумотларига тегишли тузатишлар киритилади.

Чорвачилик тармоғидан олинган маҳсулотларни кирим қилиш учун «Соғилган сутни ҳисобга олиш журнали», «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

келиш кундалиги», «Ҳайвонларни ўлчаш қайдномаси», «Жунни қирқиш ва даромадга олиш далолатномаси», «Туғилган ҳайвон боласини даромадга олиш далолатномаси» каби бухгалтерия ҳужжатлари расмийлаштирилади.

Чорвачилик маҳсулотлари даромадга олинганда қуйидагича бухгалтерия проводкалари тузилади:

Д-т: 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти

К-т: 2010 «Асосий ишлаб чиқариш харажатлари» счёти – *чорвачилик маҳсулотлари: сўт, жун, тухум, асал, тилла даромадга олинганда.*

Д-т: 1100 «Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар» счёти

К-т: 2010 «Асосий ишлаб чиқаришлар» счёти – *чорвачиликдан ўсган вазн ва туғилган ҳайвон болалари даромадга олинганда;*

Д-т: 2010 «Асосий ишлаб чиқаришлар» счёти

К-т: 2010 «Асосий ишлаб чиқаришлар» счёти – *чорвачиликнинг қўшимча маҳсулоти – гўнг ўсимликчилик тармоғига ўғит сифатида сарфланганда.*

Чорвачилик тармоғининг ишлаб чиқариш харажатлари ва олинган маҳсулотларни ҳисобга олиш учун расмийлаштирилган ҳужжатлар ҳар ойда фермер хўжалиги бухгалтериясига топширилади. Фермер хўжалиги бухгалтерияси томонидан ҳужжатлар қайта ишланиб, улар асосида, «Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш қайдномаси» (19-шакл) тузилади. Ушбу ҳисобот «Чорвачилик харажатлари» ва «Чорвачилик маҳсулотлари чиқиши» деб номланадиган икки бўлимдан иборатдир.

Биринчи «Чорвачилик харажатлари» бўлимида харажат моддалари бўйича ҳар бир харажат объектининг ҳисобот оғи ва йил бошидан буён харажатлар акс эттирилиб борилади.

Иккинчи «Чорвачилик маҳсулотлари чиқиши» бўлимида ҳар бир турдаги маҳсулотни оғ давомида ва йил бошидан буён натура ва пул ўлчов бирлигида акс эттирилади.

Таннарх тафовутларини объектлар бўйича тақсимлаш

Харажат объектлари	Сумма	Счетлар корреспондентияси	
		Д-т	К-т
Пахтачилик	440000	2010	-
Кузги буғдой – жорий йил ҳосили	230000	2010	-
Кузги буғдой – келгуси йил ҳосили	105000	2010	-
Асосий пода (сигирлар)	220000	2020	-
Ўстиришдаги ёш чорва моллари	110000	2020	-
Ўсимликчиликдаги умумишлаб чиқариш харажатлари	90000	2510	-
Чорвачилик умумишлаб чиқариш харажатлари	60000	2520	-
Реализация харажатлари	156000	9410	-
Ж А М И	1411000	-	3200

Фермер хўжаликлари сувга бўлган эҳтиёжни қондириш учун насос станциялари, сув чиқаргичлар, артезиан қудуқлари, сув ўтказгич қувурлар ва бошқа қурилмалардан фойдаланадилар. Уларни сақлаш харажатлари 2310-счётга очиладиган 2316-«Сув таъминоти» счётида «Энергетика ишлаб чиқариши(хўжалиги)» счётидаги каби харажат моддалари бўйича ҳисобга олинади.

Қилинган харажатлар ой давомида тегишли ҳужжатларга асосан сув таъминотини ҳисобга олиш дафтарига ёзиб борилади. Ой охирида сув таъминоти учун маъсул шахс томонидан харажатлар ва тармоқлар бўйича сарфланган сув тўғрисида тузилган ҳисобот маълумотлари 2316- «Сув таъминоти» счётида акс эттирилади. Сув таъминоти бўйича қилинган харажатлар суммасига:

Д-т: 2316 - «Сув таъминоти» счёти;

К-т: (6710,6520,0211-0290,0510-0590 ва б.)

Бухгалтерия проводкаси қайд этилади.

Йил охирида сув таъминоти бўйича қилинган барча харажатларни фойдаланилган сувнинг миқдори (куб-метри)га бўлиш йўли билан бир куб метр сувнинг ҳақиқий таннархи аниқланади. Бунда пахта ва шолига, ферма ва яйловларга сув чиқарадиган насосларга қилинган харажатлар тегишли ўсимликчилик ва чорвачилик тармоғининг харажатига олиб борилади ва сув таъминоти таннарига қўшилмайди.

Сув таъминотининг аналитик ҳисоби ҳам шахсий ҳисоб варақ(83-АСК шакл)да юритилади.

2.2. Фермер хўжаликларида давр харажатлар ва молиявий фаолият харажатлар ҳисоби.

Давр харажатлари бу – корхонанинг бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажат ва сарфларидир. Ушбу харажатлар таркибига бошқарув харажатлари, маҳсулотни сотиш харажатлари ва умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар киритилади. Сотиш харажатларига «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан қуйидагилар киради:

1.1. Товарларни темир йўл, ҳаво, автомобиль, денгиз, дарё транспортида ва от-уловда ташиш харажатлари. Ушбу моддага ташиш харажатлари ҳамда транспорт воситалари бекор туриб қолганлиги учун тўланган жарималар киритилади.

2.1.2. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари сотиш бўйича харажатлар, шу жумладан:

2.1.2.1. Низомнинг 1.2-бандида санаб ўтилган, маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан боғлиқ меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, маъмурий-бошқарув ходимларидан ташқари.

2.1.2.2. Низомнинг 1.3-бандига мувофиқ, 2.1.2.1. бандга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага харажатлар.

2.1.2.3. Савдо эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар ва хоналарни ижарага олиш, сақлаш ва тузатиш харажатлари.

2.1.2.4. Низомнинг 1.4-бандига мувофиқ асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси.

2.1.2.5. Инвентарлар ва хўжалик буюмлари қийматини ҳисобдан чиқариш харажатлари ҳамда уларни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатда сақлаш (таъмирлаш, ювиш, тузатиш, дезинфекция қилиш ва ҳ.к.) билан боғлиқ бошқа харажатлар.

2.1.2.6. Газ, ёқилғи, электр энергияси харажатлари.

2.1.2.7. Товарларни сақлаш, уларга ишлов бериш ва уларни сортларга ажратиш харажатлари.

2.1.2.8. Савдо рекламаси харажатлари.

2.1.2.9. Ташиш, сақлаш ва сотиш чоғида товарларнинг йўқотилиши.

2.1.2.10. Ўраш-жойлаш материаллари харажатлари.

2.1.2.11. Мол-мулкни мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш харажатлари.

2.1.2.12. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги харажатлари.

2.1.2.13. Вентиляторлар, машиналар ва уларнинг ҳаракатланувчи қисмларини ўрнатиш ва сақлаш, туйнуклар, ўйиқлар ва бошқаларнинг атрофини ўраш бўйича жорий (номукаммал тусдаги) харажатлар.

2.1.2.17. Умумий овқатланиш ва савдо ходимлари тиббий кўриқдан ўтказилганлиги учун тиббиёт муассасаларига ҳақ тўлаш.

2.1.2.18. Касса хўжалигини ва тушум инкассациясини юритиш чиқимлари.

2.1.2.19. Умумий овқатланиш корхоналарида қоғоз салфеткалар, қоғоз дастурхонлар, қоғоз стаканлар ва тарелкалар, бир марта фойдаланиладиган анжомлар қиймати.

2.1.3. Сотиш бозорларини ўрганиш бўйича харажатлар (маркетингга, рекламага сарфланган харажатлар).

2.1.4. Юқорида санаб ўтилмаган сотиш бўйича бошқа харажатлар.

Молиявий харажатларга эса қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси “21-сонли Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ” молиявий фаолият даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ахборотларни акс эттириш учун счётлар режасида қуйидаги счётлар мўлжалланган:

9500 «Молиявий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счётлар»:

9510 «Роялти кўринишидаги даромадлар»

9520 «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар»

9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар»

9540-«Валюталарнинг курс фарқларидан олинган даромадлар»

9550 «Узоқ муддатли ижарадан олинган даромадлар»

9560 «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар»

9590 «Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари»

9600 «Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётлар»:

9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар»

9620 «Валюта курсидаги фарқлардан кўрилган за-рарлар»

9630 «Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар»

9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар».

Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва харажатларни шакллантириш тартиби №2 «Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар», №6 «Ижара ҳисоби», №12 «Молиявий инвестициялар ҳисоби» БҲМСлар ва «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинади.

9510-счёт кредитида олинadиган роялти, 9610-счёт дебитида эса — роялти бўйича тўланган (ҳисобланган) ҳисоб-китоблар ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Масалан, олувчи тарафда роялти бўйича олинадиган даромад ҳисоблаб ёзилган:

Д-т 4850 «Роялти бўйича олинадиган счётлар» счёти

К-т 9510 «Роялти кўринишидаги даромадлар» счёти.

Уни олиш чоғида:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб» счёти

К-т 4850 «Олинадиган роялти» счёти.

Тўловчи корхонада роялтига оид суммаларнинг тўланиши:

Д-т 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» счёти

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб счёти».

9520-счётда бошқа корхоналарнинг фаолиятида улуш қўшиб иштирок этишдан олинган даромадлар ва корхонага тегишли акциялар бўйича олинадиган дивидендлар акс эттирилади.

Масалан, дивиденд кўринишидаги даромад акс эттирилганида:

Д-т 4840 «Олинадиган дивидендлар» счёти

К-т 9520 «Дивиденд кўринишидаги даромадлар» счёти.

Уни олиш чоғида:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

К-т 4840 «Олинадиган дивидендлар» счёти

9530-счётда узоқ муддатли ва жорий инвестициялар бўйича фоиз кўринишидаги даромадлар, 9610-счётда эса – банклар, етказиб берувчиларнинг кредитлари ва қарзлар бўйича фоизларнинг тўланишига оид харажатлар акс эттирилади.

Масалан, қарз беруви ташкилотда берилган қарзлар бўйича фоизлар ҳисоблаб ёзилганида:

Д-т 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти

К-т 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» счёти.

Уни олиш чоғида:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

К-т 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти.

Қарз оловчи ташкилотда тўланадиган фоизларнинг (олинган қарзлар бўйича) ҳисоблаб ёзилиши:

Д-т 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар» счёти

К-т 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти.

Фоизлар тўланганида:

Д-т 6920 «Ҳисоблаб ёзилган фоизлар» счёти.

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб счёти».

Олинган қарз ва кредитлар (6800, 7800-счётлар) бўйича ҳисобланган фоизлар алоҳида (6920-счётда) ҳисобга олинади. Бу қарз(кредит)ларнинг баланс қиймати ҳисобланган фоизлар ўзгармаслигини таъминлайди.

9540-«Валюталарнинг курс фарқларидан олинган даромадлар» счётида валюта счётлари бўйича ижобий курс фарқлари, шунингдек хорижий валюталар билан амалга оширилган операцияларга оид даромадлар ҳисобга олинади. 9620-«Валюталарнинг курс фарқлари бўйича харажатлар» счётида эса— хорижий валюталар билан амалга оширилган операцияларга оид салбий курс фарқлари ва зарарлар акс эттирилади.

Масалан, валюта счёти бўйича ижобий курс фарқи акс эттирилганда:

Д-т 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари»

К-т 9540 «Валюталар курси фарқларидан даромадлар».

Валюта счётига оид салбий курс фарқи:

Д-т 9620 «Валюталар курси фарқларидан зарарлар»

К-т 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари».

«Хорижий валютадаги операцияларни бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисида Низом»га мувофиқ (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 16 ноябрда 1085-сон билан рўйхатдан ўтказилган), унга оид қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 7 июнда рўйхатдан ўтказилган), хўжалик юритувчи субъектлар валюта счётидан олинган банк кўчирмалари асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича баланснинг валюта моддаларини ҳар ойда қайта баҳолашни амалга оширадilar.

Юзага келган валюта курси фарқлари хўжалик юритувчи субъектнинг хоҳишига қараб қуйидаги усуллардан бири бўйича ҳисобдан чиқарилади:

1) Бевосита молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига олиб бориш йўли билан (кейинги ўринларда — бевосита олиб бориш усули). Бунда ижобий курс фарқлари молиявий фаолиятдан олинган даромадларни ҳисобга олувчи счётларда (9540-счёт), салбий курс фарқлари эса — молиявий фаолиятга оид харажатларни ҳисобга олувчи счётларда (9620-счёт) акс эттирилади.

2) Жамлаш йўли билан (кейинги ўринларда — жамлаш усули). Бунда ижобий курс фарқлари муддати кечиктирилган даромадлар (келгуси даврлар даромадлари)ни ҳисобга олувчи счётларда (6230-счёт), салбий курс фарқлари эса келгуси даврлар харажатларини ҳисобга олувчи счётларда (9620-счёт) акс эттирилади.

Валюта курси фарқлартегишли счётларга олиб боришнинг хўжалик юритувчи субъект томонидан танланган усули унинг ҳисоб сиёсатида мажбурий тартибда акс эттирилиши ва календарь йил давомида ўзгартирилмаслиги лозим (№1 БХМСнинг 56-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

Валюта курси фарқларини тўғрилаш(корректировка)нинг жамлаш усули қўлланилганда баланснинг валюта моддаларини ҳар ойда қайта баҳолаш натижасида ҳосил бўлган салбий ва ижобий курс фарқлари молия-хўжалик фаолияти натижаларига қуйидаги тартибда олиб борилади:

— хорижий валютадаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича — уларни қоплаш (ҳисобдан чиқариш)нинг боришига қараб);

— қолган ҳолатларда — баланснинг тегишли валюта моддалари бўйича хўжалик операцияларининг амалга оширилишига қараб.

Баланс валюта моддаларининг сўмдаги эквивалентида қайта баҳоланиши Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисобот ойининг охирига санасига бўлган курси бўйича амалга оширилади, курс фарқи

суммаси эса, баланснинг валюта моддаларининг қайта баҳолангунгача ва ундан кейинги қийматларини таққослаш йўли билан аниқланади.

Баланснинг валюта моддаларига қуйидагилар киради:

- кассадаги, банкдаги депозит ва ссудалар счётларидаги валюта маблағлари, шу жумладан аккредитивлар;
- хорижий валютадаги пул ҳужжатлари;
- хорижий валютадаги қисқа муддатли ва узоқ муддатли қимматли қоғозлар;
- хорижий валютада олинган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, кредитлар ва қарзлар.

Валюта курси фарқларини тўғрилашда қуйидагилар қайта ҳисоб-китоб қилинмайди:

- хўжалик юритувчи субъектнинг хорижий валютага сотиб олинган мол-мулки (асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий қимматликлар);
- хўжалик юритувчи субъектнинг устав капитали ва таъсисчилари (иштирокчилар) улушларининг нисбатлари, буларга хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳам киради.

Масалан, ускуна хорижий валютага сотиб олинган ва унинг валютадаги қиймати 100 минг АҚШ доллари. Ускунанинг қиймати миллий валютада ҳисоб-китоб қилиш учун ушбу операция расмийлаштирилган санада амал қилган алмаштириш курси қабул қилинади.

Ушбу ускунани олиш вақтида амал қилган 1 АҚШ доллари 960,0 сўмга тенг бўлган курсни ҳисобга олган ҳолда, унинг қиймати 9600 минг сўм деб баҳоланади, мол етказиб берувчига бўлган кредиторлик қарзи ҳам мана шунча суммага баҳоланади. Ускунанинг қиймати валюта курсининг ўзгариши чоғида ўзгармаслиги лозим, бироқ, мол етказиб берувчидан кредиторлик қарзлари суммаси то у тўлиқ қопланмагунга қадар, ҳар ойнинг охирида қайтадан ҳисоб-китоб (корректировка) қилиб борилади.

Фараз қилайлик, ҳисобот ойининг охирги санасида 1 АҚШ долларининг расмийкурси 970 сўмни ташкил қилган ва бу кредиторлик қарзлари суммаси энди 9600,0 минг сўмни эмас, балки 9700,0 минг сўмни ташкил қилади.

Жамлаш усули қўлланилганда мазкур салбий курс фарқи (9600,0—9700,0) муддати кечиктирилган харажатлар сифатида акс эттирилади:

Д-т 3230 «Бошқа кечиктирилган бошқа харажатлар» счёти — 100,0 минг сўм

К-т 6010 «Мол етказиб берувчиларга тўланадиган счётлар» счёти – 100,0 минг сўм.

Бевосита усул қўлланилганда салбий курс фарқи жамланмайди, балки ўша заҳотиёқ зарарларга киритилади:

Д-т 9620 «Валюта курси фарқларидан зарарлар» - 100,0минг сўм

К-т 6010 «Мол етказиб берувчиларга тўланадиган счётлар»- 100,0 минг сўм.

Мол етказиб берувчига қарз тўланган (ўтказилган) вақтда эса 1 АҚШ долларининг курси 975,0 сўмни ташкил қилган. Бунда етказиб берувчига (10,0x975,0) 9750,0 минг сўм ўтказилди. Ушбу ҳолатда бир ҳисобот даври доирасидан чиқмайдиган салбий курс фарқи ўша заҳотиёқ зарарларга киритилади:

Д-т 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти — 9700,0 минг сўм

Д-т 9620 «Валюта курси фарқларидан зарарлар» счёти – 9750,0 минг сўм

К-т 5210 «мамлакат ичидаги валюта счётлари» — 9750,0 минг сўм.

Илгари жамлаш усули бўйича 3230-счётда акс эттирилган курсдаги фарқ ҳам тўлов амалга оширилиши вақтида зарарларга ҳисобдан чиқарилади:

Д-т 9620 «Валюта курсидаги фарқлардан кўриладиган зарарлар» счёти – 100,0 минг сўм.

К-т 3230 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти -100,0 минг сўм.

Мазкур операция бўйича валютадаги фарқлардан кўрилган жами умумий зарар суммаси 150,0 минг сўмни ташкил қилади.

9550-счётада мол-мулкнинг узоқ муддатли ижарага берилишидан, шунингдек, молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган даромадлар акс эттирилади.

Молиявий фаолият бўйича олинadиган даромад ва жорий дебиторлик қарзларининг қопланишига тақсимланадиган лизинг тўлови олинганда лизинг берувчи буни қуйидаги тарзда акс эттиради.

Масалан, 1200,0 минг сўмдан иборат суммадаги лизинг тўлови, қоплаш жадвалига мувофиқ, лизинг олувчининг асосий қарзини (750,0 минг сўм) камайтириш ва фоизлар кўринишидаги даромадга (450,0 минг сўм) киритилиши керак

Ҳисоблаб ёзиш тамойилига мувофиқ олдин лизинг бўйича фоизли даромад ҳисоблаб ёзилиши керак:

Д-т 4830 «Олинadиган фоизлар» счёти — 450,0 минг сўм

К-т 9550 «Узоқ муддатли ижарадан олинган даромадлар» — 450,0 минг сўм.

Лизинг олувчидан ундириладиган асосий қарзнинг жорий қисмини тавсифловчи лизингга оид олинadиган жорий тўловлар тўлов муддати келиши биланоқ 4810-«Узоқ муддатли ижара бўйича олинadиган жорий тўловлар» счётида акс эттириб қўйилган. Лизинг тўловининг олиниши чоғида операция қуйидаги тарзда акс эттирилади:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» — 1200,0 минг сўм

К-т 4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинadиган жорий тўловлар» счёти — 750,0 минг сўм

К-т 4830 «Олинadиган фоизлар» счёти — 450,0 минг сўм.

9560-«Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар»-счётида қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашда олинadиган даромадлар акс эттирилади. Қимматли қоғозларни қайта баҳолаш билан

боғлиқ харажатларни 9690-«Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» счётида акс эттириш мумкин.

Масалан, қисқа муддатли қимматли қоғозларнинг қайта баҳоланиши амалга оширилган:

Д-т 5810 «Қимматли қоғозлар» счёти

К-т 9560 «Қимматли қоғозларни қайта баҳошдан даромадлар» счёти.

Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қайта баҳолашдан олинадиган даромадлар резерв капитал счётларида акс эттирилади:

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» счёти

К-т 8510 «Активларнинг қайта баҳоланиши бўйича тузатишлар» счёти

Бироқ, №12 БХМСнинг 22-бандига мувофиқ бозор баҳоси бўйича қайта баҳоланган қимматли қоғозларнинг сотилиши чоғида резерв капитал счётларида акс эттирилган жами қўшимча баҳолаш суммаси жорий даврнинг даромади сифатида (ёки тақсимланмаган фойданинг кўпайиши сифатида) акс эттирилади:

Д-т 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти

К-т 9560 «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар» счёти ёки 8720-«Жамғарилган фойда».

Қайта баҳолашда қимматли қоғозлар баҳосининг арзонлаштирилганда:

Д-т 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» счёти

К-т 5810 «Қимматли қоғозлар» счёти.

Узоқ муддатли қимматли қоғозларнинг бозор баҳоси камайтирилганда, уни, ушбу қимматли қоғозлар бўйича аввалги қайта баҳолашлар доирасида резерв капиталини камайтириш ҳисобига компенсациялаш мумкин. Ушбу қимматли қоғозлар бўйича ташкил қилинган резервдан ортиқ бўлган арзонлаштириш суммаси молиявий фаолият бўйича харажатларга қўшилади.

Масалан, қимматли қоғозларнинг бозор баҳоси 100,0 минг сўмгача камайган, олдинги қайта баҳолаш ҳисобига ташкил қилинган резерв эса 80,0 минг сўмни ташкил қилади:

Д-т 8510 «Мол-мулкнинг қайта баҳоланиши бўйича тузатишлар» счёти —80,0 минг сўм

Д-т 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар»счёти - 20,0 минг сўм

К-т 0610 «Қимматли қоғозлар» счёти – 100,0 минг сўм.

9630-«Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар»-счётида қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счётлар билан корреспонденцияланган ҳолда акс эттирилади.

Масалан, қимматли қоғозларни чиқариш бўйича харажатлар тўланганида:

Д-т 9630-«Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар» счёти

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» ёки 6990-«Бошқа мажбуриятлар» счёти

Бундай харажатлар солиқ солиш мақсадда даромад (фойда) солиғи бўйича солиққа тортиладиган базадан чегирилмайди.

9590-«Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари» счётида молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар акс акс эттирилади.

«Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ фавқулоддаги зарарлар - бу хўжалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолиятдан четга чиқувчи ҳодисалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши кутилмаган одатдан ташқари харажатлар ҳисобланади.

Фермер хўжалигининг фавқулоддаги харажати фавқулодда зарарлар моддаси сифатида акс эттирилиши учун харажатнинг мазмуни қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

- харажатнинг корхона одатдаги хўжалик фаолиятига хос эмаслиги;
- харажатнинг бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги;
- бошқарув ходими томонидан қабул қилинадиган қарорларга

харажатнинг боғлиқ эмаслиги.

Тегишли моддаларни фавқулодда харажатларга киритиш ёки киритмаслик тўғрисида қарорлар қабул қилишда ишлар амалга ошириладиган шароитларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Масалан, агар хўжалик юритувчи субъект алоҳида иқлим шароитларида жойлашган бўлса, у ҳолда - иқлим шароитларига боғлиқ ҳолдаги ишламай туриб қолишлар фавқулодда харажат (зарар) деб баҳоланиши мумкин эмас, чунки ушбу сабаб харажатнинг "бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги керак" мезонига жавоб бермайди. Ушбу турдаги зарарлар ҳам бухгалтерия ҳисоби счётларида алоҳида ҳисобга олиш учун 9720 “Фавқулодда зарарлар” счёти мўлжалланган.

Масалан, табиий офатлардан кейин фермер хўжалиги томонидан хом-ашё ва материалларни инвентаризация қилиш чоғида аниқланган материаллар камомадлари қуйидаги тарзда бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади:

Д-т 9720 «Фавқулодда зарарлар»

К-т 1010 «Хом ашё ва материаллар».

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мувофиқ фавқулодда зарарлар моддаларга қуйидагилар киради: мол-мулкнинг мажбурий тарзда олиб қўйилиши натижалари, йирик бахтсиз ҳодисаларнинг оқибатлари, жорий этилган қонунлар ёки меъёрий ҳужжатларларга мувофиқ тақиқлашлар натажасида юзага келган зарарлар ва бошқалар.

2.3. Деҳқончилик маҳсулотларининг дастлабки, аналитик ва синтетик ҳисоби.

Деҳқончилик харажатлари ва маҳсулотлар олинishi тўғрисидаги барча ёзувлар тегишли дастлабки ҳужжатлар маълумотларига асосан ёзилади. Бундай дастлабки ҳужжатларни тўрт гуруҳга: меҳнат, меҳнат буюмлари ва меҳнат воситалари сарфи маҳсулот чиқишига оид ҳужжатлар.

Меҳнат сарфини ҳисобга олиш ҳужжатларида деҳқончилик тармоғида ўстирилаётган экинлар бўйича муайян ишларни бажариш учун сарфланган меҳнат ва ҳисобланган тўлов акс эттирилади. Механизациялаштирилган ишларда тракторчи машинистнинг ҳисоб варақалари (67- ва 67-б шакллар), механизациялаштирилмаган ишларда меҳнат ҳисоби ва бажарилган ишлар варақалари (66- ва 66-а шакллари) қўлланади. Шунингдек, ишбай ишларда ишланган вақтни ҳисобга олиш учун – иш вақтини ҳисобга олиш табели (64-шакл) қўлланади.

Меҳнат предметлари сарфи ҳисобга олинadиган ҳужжатларда деҳқончилик тармоғида сарфланган турли моддий қийматлар: уруғ, ўғит, заҳарли химикатлар, гербицидлар, эҳтиёт қисмлар ва ҳоказоларни қайд этади. Экишга сарфланган уруғ ва экиш материаллари уруғ ва экиш материалларини сарфлаш далолатномаси (119-шакл), ўғит, заҳарли химикат ва гербицидлар сарфи – маъданли, органик ва бактериал ўғитлар заҳарли химикатлар ва гербицидларни ишлатиш тўғрисида далолатнома (118-шакл), майда инвентар ва буюмлар – ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентари ва буюмларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси (126-шакл) билан расмийлаштирилади ва хоказо. Дастлабки ҳужжатлар кўрсаткичлари ой охирида моддий қийматлар ҳаракати ҳақидаги ҳисоботларда (121-шакл) умумлаштирилади, шундан сўнг бўлинмаларнинг ишлаб чиқариш ҳисоботларига моддий қийматлар сарфи ҳақида тегишли ёзувлар киритилади.

Меҳнат воситалари сарфини ҳисобга олиш ҳужжатлари деҳқончилик тармоғида фойдаланилган меҳнат воситалари бўйича харажатлар, хусусан ҳисобланган амортизация ажратмалари акс эттирилади. Бунга амортизацияни ҳисоблаш ва тақсимлаш бўйича турли ҳисоб-китоблар: йил бошидаги ҳолатига кўра асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалар ҳисоб-китоби келиб (52-шакл) тушган ва чиқиб кетган асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари ҳисоб-китоби (60-шакл), бир ойлик амортизация ажратмаларини ҳисоблаш ведомости (62-шакл), деҳқончилик тармоғидаги

асосий воситалари бўйича ҳисобланган амортизацияси тақсимлаш ведомости (63-шакл).

Бу гуруҳ билан асосий воситаларни жорий таъмирлаш бўйича ҳужжатлар узвий боғланган. Буларга машиналарни таъмирлаш учун дефектлар ведомости(130-шакл), жорий таъмирлаш харажатларини тақсимлаш ведомости тааллуқлидир.

Маҳсулотлар чиқишини ҳисобга олиш бўйича ҳужжатлар: дон, техник экинлар, сабзаёт, мева, озуқа каби деҳқончилик тармоғи маҳсулотларини кирим қилиш қайд этилади. Буларга: дон экинлари бўйича – дон ва бошқа маҳсулотларни даладан жўнатиш ведомости (77-шакл), маҳсулотни даладан олиб чиқиш йўлланмаси (77-а-шакл), донни талонли ҳисобга олиш усулида талонлар (77-б,77-в,77-г-шакл), дон ва бошқа маҳсулотларни қабул қилиш реестри (78-шакл), донни тарозибон томонидан қабул қилиш реестри (78-а-шакл), дон ва бошқа маҳсулотлар ҳаракати ведомости (80-шакл); картошка, сабзаёт, мева, резавор мева ва бошқа экинлар бўйича - қишлоқ хўжалик маҳсулотининг келиб тушиш ведомости(82-шакл), ёпиқ ерга экилган маҳсулотнинг келиб тушиш ведомости(83-шакл), боғдорчилик маҳсулотларини келиб тушиш ведомости (84-шакл); озуқа экинлари бўйича – дағал ва ширали озуқаларни қабул қилиш далолатномаси (92-шакл), яйлов озуқаларини кирим қилиш далолатномаси (93 ва 93-а-шакллари) киради. Деҳқончилик тармоғида харажатларни ҳисобга олиш бўйича ҳам, маҳсулотлар чиқишини ҳисобга олиш бўйича ҳам кўп миқдордаги хилма-хил ҳужжатлардан фойдаланилади. Ҳар бир гуруҳ ҳужжатларидаги маълумотлар уларга ишлов берилганда маълум белгиларига кўра ҳужжатларнинг ҳаракатланиши ва ишлатилиш тавсифига кўра бир тизимга солинади. Меҳнат сарфлари ҳисобга олинган ҳужжатларнинг маълумотлари иш ҳақи ҳисоблаш ва тўлаш учун ҳар бир ходим ҳамда ходимлар тоифаси бўйича иш ҳақи фондидан фойдаланишни назорат қилиш мақсадида умумлаштирилади. Меҳнат предметларини ҳисобга олинган ҳужжатларнинг маълумотлари моддий жавобгар шахслар ҳамда моддий қийматларнинг келиб тушиши ва

сарфланиши йўналишлари бўйича бир тизимга солинади. Меҳнат воситаларининг сарфланиши ҳисобга олинadиган ҳужжатларнинг маълумотлари бир турдаги асосий воситалар гуруҳлари ва турлари ҳамда асосий воситалардан фойдаланиш йўналишлари бўйича бир тизимга солинади. Маҳсулотлар чиқиши ҳисобга олинadиган ҳужжатлар маълумотлари маҳсулот турлари, моддий жавобгар шахслар, маҳсулотнинг келиб тушиш ва сарфланиш йўналишлари бўйича бир тизимга солинади.

Шунингдек, деҳқончилик соҳасидаги барча ҳужжатларнинг маълумотлари харажатларни ҳисобга олиш объектлари – иш турлари ҳамда экинлар (экин гуруҳлари) бўйича албатта бир тизимга келтирилади. Бундай бир тизимга келтиришда махсус ишлаб чиқилган жамғарма ведомостлар ва журналлардан фойдаланилади. Масалан, юқорида айтиб ўтилган меҳнат сарфлари тўғрисидаги ва бошқа айрим ҳужжатларнинг маълумотлари юқорида кўриб чиқилган, таъмирлаш устахонасидан фойдаланиш, жамғарма ведомости (73-шакл) ҳамда иш ва бошқа харажатларни ҳисобга олиш журналида (37-шакл) тўпланади.

Иш ва харажатларни ҳисобга олиш журналлари оилавий пудратлар ва бошқа ишлаб чиқариш бўлинмаларида юритилади. Уларда ҳар бир экин (экинлар гуруҳи), бажариладиган ишлар ва ҳисобнинг бошқа объектлари учун тахмин қилинаётган ёзувлар миқдорига кўра саҳифалар ажратилади. У ёки бу экинга тааллуқли иш турлари технологик картага мувофиқ тарзда ёзилади. Ҳар бир ҳисоб объекти бўйича бажарилган ишларнинг ҳажми натурада ҳамда шартли эталон гектарга айлантириб, ишланган вақт соатларда ва ҳисоблаб ўтказилган тўлов (тракторчилар ва бошқа ходимлар бўйича алоҳида-алоҳида), ёқилғи сарфи (норма бўйича ва ҳақиқийси), ёруғлик ва экиш материалларининг сарфи ва бошқа харажатлар қайд этилади. Иш ва харажатларни ҳисобга журнали дастлабки ҳужжатлар асосида, таъмирлаш устахонаси харажатлари бўйича эса таъмирлаш устахонасидан фойдаланиш жамғарма ведомост(37-а-шакл) асосида қилинади.

Деҳқончилик тармоғида қилинган харажатлар ва етиштирилган

маҳсулотлар 2010-«Дехқончилик» счётида ҳисобга олинади.

Бу счёт дебетида маҳсулот етиштириш учун қилинган харажатлар ҳисобга олинса, кредитида эса етиштирилган маҳсулотларнинг режа таннарида баҳоланган қиймати ва йил охирида режа таннари билан ҳақиқий таннарх ўртасидаги тафовут акс эттирилади.

Туғалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари йил охирида ушбу счёт дебетида қолдиқ тарзида акс эттирилиб, йиллик балансда кўрсатилади.

Бошқарув бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда хўжалик бўйича харажат объектларини тўғри белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Дехқончиликда харажат объектлари бўлиб экин турлари ёки гуруҳлари, ишлар, тақсимланадиган харажат турлари ва бошқа объектлар ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда ширкат хўжаликларида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг илғор шакли – оила пудрати усули ҳисобланади.

Дехқончиликдаги оила пудратлари ва пудрат асосида ишлайдиган бўлинмаларда харажатлар ва олинган маҳсулотларнинг аналитик ҳисоби оила(жамоа)нинг шахсий ҳисоб варағи(83-АСК шакл)да юритилади. Ушбу шахсий ҳисобварақ (83-АСК шакл) маълумотлари бўлинмаларга берилган харажат лимитларига риоя қилиниши ва оила пудрати шартномасининг бажарилишини назорат қилиш, ҳамда бутун хўжалик бўйича аналитик ва синтетик ҳисобни ташкил этиш учун фойдаланилади.

Шахсий ҳисоб варақа (83-АСК шакл)да харажатлар ҳар ойда ўсимликлар (ўсимлик гуруҳлари) ва тегишли харажат моддалари бўйича бир ойлик ва йил бошидан ўсиб боровчан тартибда акс эттириб борилади.

Айрим ўсимликларни парваришлаш учун қилинган харажатларни ҳисобга олишга мўлжалланган аналитик счётлардан ташқари, мустақил ҳисоб объектларини акс эттириш учун қуйидаги аналитик счётлар очилади: «Ўсимликчиликда ишлатилган асосий воситалар бўйича тақсимланмаган амортизация ажратмалари», «ўсимликчиликда ишлатилган асосий воситаларнинг тақсимланадиган жорий таъмирлаш харажатлари», «тақсимланадиган суғориш харажатлари», «шўр ювиш харажатлари» ва ҳ.к.

Бу аналитик счетларда ўсимлик турлари(ўсимлик гуруҳлари)га бевосита ўтказиб бўлмайдиган тегишли харажатлар йил давомида тўпланиб боради.

Шахсий ҳисоб варақ (83-АСК шакл)нинг харажатлар бўлими чек (249б-шакл) маълумотларига асосан тўлғазилади.

Ўсимлик ва иш турлари бўйича гуруҳланган жами маълумотлар ой охирида ишларни ва харажатларни ҳисобга олиш журнали(37-шакл)дан шахсий ҳисоб варақ (83-АСК шакл)га ўтказилади.

Амортизация, жорий таъмирлаш харажатлари, суғурта тўловлари ва ўсимликчилик бўлинмасига бириктирилган қишлоқ хўжалик машиналарини сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари ёрдамчи ишлаб чиқаришлар, асосий воситаларни сақлаш ва ишлатиш бўйича шахсий ҳисоб варақ (83-АСК шакл)да йил давомида тўпланиб борилади. Кўрсатилган харажатлар йил охирида тегишли ўсимликлар (ўсимликлар гуруҳи) ва бўлинмадаги ҳамда бошқа бўлинмалардаги ҳисоб объектларига бажарилган шартли эталон гектарларга мутаносиб равишда тақсимланади. Бунинг учун шахсий ҳисоб варақ (83-АСК шакл)да ишланган шартли эталон гектарларда бўлинмага беркитилган ўсимликлар (ўсимликлар гуруҳи) бўйича, ҳамда хизмат кўрсатилган бўлинма бўйича акс эттирилади. Бундан ташқари, ўсимликчиликдаги оила пудратининг шахсий ҳисоб варагида, йил охирида, тегишли ўсимлик турлари (гуруҳлари)га хизмат кўрсатган бошқа бўлинмалардаги асосий воситаларнинг амортизацияси, жорий таъмирлаш харажатлари, суғурта тўловлари ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаларини сақлаш ва фойдаланиш бўйича бошқа харажатлар ўтказилади.

Ой охирида, корреспонденцияланувчи счетлар бўйича бир тизимга келтирилган жами харажатлар, йиғма шахсий ҳисоб варақ(83-АСК шакл)дан 10-АСК журнал-ордерга ўтказилади.

Оила пудрати ва шахсий ҳисоб варағининг иккинчи бўлимида йиғиб-териб олинган майдон, кирим қилинган маҳсулот ва унинг сифати кўрсатилади.

Оила пудрати бўйича ўсимликчилик маҳсулотларининг чиқиши тўғрисида жами маълумотлар мазкур оилавий пудратдаги ишовчилар билан ишнинг пировард натижаси учун ҳисоблашишда фойдаланилади.

Бундан ташқари, шахсий ҳисоб варақ маълумотларидан оила пудратининг хўжалик ҳисоби фаолиятини якунлаш, маҳсулот етиштириш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилиши ва ишлаб чиқариш харажатлари лимитларига риоя қилинишини аниқланади.

Шахсий ҳисоб варақнинг учинчи бўлимида, ой давомида 2010-счета кредитининг корреспонденцияланувчи счетлар бўйича барча муомалалар бир тизимга келтирилиб, жами маълумотлар 10-АСК журнал-ордерга ўтказилади.

Йил давомида ўсимликчиликдан олинган маҳсулот режа таннари бўйича баҳоланиб, 2010—счета кредитидан 2811-«Омбордаги ўсимликчилик маҳсулотлари» счегининг дебегига кегим қилинади.

Агар маҳсулот олинаётган пайтида уруғлик ёки ем-хашак сифатида фойдаланилиши маълум бўлса, 2010 счег кредитидан тўғридан-тўғри 1010-«Хом-ашё ва материаллар» счегига тегишли ўсимлик тури бўйича уруғлик аналитик счег (масалан, «уруғлик шоли») очилиб қабул қилинади.

Йил охирида, 2010 счег бўйича ёрдамчи ишлаб чиқариш бажарган ишларнинг режа ва ҳақиқий таннари ўртасидаги фарқлар, ҳамда умумишлаб чиқариш харажатларининг ўсимликчиликка тўғри келадиган улуши акс эттирилгандан сўнг ўсимликчилик маҳсулотлари таннарини ҳисоблашга доир тайёргарлак ишларига киришилади.

III БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Фермер хўжаликларида счетларни ёпилиши

Қишлоқ хўжалик корхоналари бухгалтерия ҳисоби йил охирида операион таннархи ҳисобланадиган, таққословчи ва йиғиб-тақсимловчи ҳамда якуний молиявий натижалар ҳисобга олинадиган счетларни ёпиш муҳим босқич ҳисобланади.

Счетларни ёпиш зарурати бухгалтерия ҳисобини юритишнинг мавжуд тизимидан келиб чиқади. Юқорида барча харажатлар ҳам йил давомида асосий ишлаб чиқаришга бевосита тегишли бўлмаслиги қайд этиб ўтилган эди. Уларнинг анчагина қисми йил давомида йиғиб-тақсимловчи счетларда йиғилиб борилади. Бу счетларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалик корхоналарида фақат йил охирида ёпилиши мумкин. Бундан ташқари, хўжаликда ёрдачи ва хизмат кўрсатуви ишлаб чиқаришларнинг мавжудлиги ҳам бу харажатларни асосий ишлаб чиқаришга олиб бориш заруратини вужудга келтиради. Ҳатто бу харажатлар йил давомида ўтказилганда ҳам мазкур счетлар фақат йил охиридагина тўлиқ ёпилиши мумкиндир. Йиғиб-тақсировчи счетлар ва ёрдамчи ишлаб чиқаиш счетларининг ёпилиши натижасида асосий тармоқлар маҳсулотларининг таннархини ҳисоблаш ва асосий ишлаб чиқариш счетларини тугалланган жараён қисмида ёпиш имконини вужудга келади.

Маълумки, бу ишларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши шароитида фақат йил охиридагина амалга оширилиши мумкин. Ниҳоят таннархни ҳисоблаш асосида реализация қилинган маҳсулот бўйича аниқ харажатлар аниқланиши ва реализация жараёнининг таққословчи счетлари ёпилиши мумкин.

Счетларнинг ёпилиши ҳисобот йили учун жорий бухгалтерия ҳисоби ишларига якун ясайди.

Счетларни ёпиш ҳар бир счетлнинг ёпилиш натижаларини бухгалтерия ҳисобининг бошқа счетларида акс эттирилган ҳолда амалга оширилиши

керак. Демак, таннарх тафовутларининг аниқланиши, тақсиланиши ва акс эттирилиши ҳамда молиявий натижаларнинг чиқарилиши бевосита аналитик ва синтетик счетлар тизимида амалга оширилади ва оборотларни солиштириш йўли билан назорат қилинади.

Бошқарув ҳисоби счетлари тизимида таннарх тафовутларини тақсилаш, ушбу ишлар тизимдан ташқари йўл билан бажарилганда вужудга келиши мумкин хатоларнинг олдини олади.

Бухгалтерия ҳисоби счетлари якуний баланс тузишдан олдин ёпилади. Ушбу иш бошлангунга қадар бутун ҳисоб йили учун 31 декабрьгача бўлган барча бухгалтерия ёзувлари тўлиқ ёзилган бўлиши керак. Сўнгра инвентаризация ва камомад ҳамда ундириш тартиби тўғрисидаги қабул қилинган қарорга мувофиқ 5910-«Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» смети бўйича ҳисобдан чиқариш натижалари акс эттирилади. Бундан ташқари, бара счетлар бўйича ёзувларнинг тўлиқ ва тўғрилиги текширилган ва операцион счетларни ёпиш бўйича якуний маълумотларни олиш учун зарур бўлган оборот баланслари олдиндан тузиб кўйилган бўлиши керак. аналитик счетлар бўйича бара оборот ва қолдиқлар олдиндан тузиладиган баланс билан солиштириб чиқилади. Фақат шундан кейингина йил охиридаги якуний балансга эга бўлиш учун счетларни ёпиш бўйича ҳисоб-китобларни тузиш ва бухгалтерия ёзувларини бажариш мумкин.

Якуний балансга эга бўлиш учун қуйидаги операцион ва натижавий счетлар тўлиқ ёпилади: 2510-«Умум ишлаб чиқариш харажатлари», 2610-«Ишлаб чиқаришдаги брак», 2710-«Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» (баъзи ҳолларда тугалланмаган ишлаб иқариш доирасида қолдиқ қолиши мумкин), 9400-«Давр харажатларини ҳисобга олувчи счетлар» (9410-9440), 9000-«Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счетлар» (9010-9050), 9100-«Сотилган маҳсулот(товар, иш ва хизмат)лар таннархини ҳисобга олувчи счетлар» (9110-9150), 9200-«Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счетлар» (9210-9220), 9300-

«Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни ҳисобга олувчи счетлар» (9310-9390), 9500-«Молиявий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счетлар» (9510-9590), 9600-«Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счетлар» (9610-9690), 9700-«Фавқулодда фойда (зарар)ларни ҳисобга олувчи олувчи счетлар» (9710-9720), 9800-«Солиқлар ва йиғиларни тлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счетлар» (9810-9820), 9910-«Якуний молиявий натижа» счетлари ёпилади.

Бундан ташқари қуйидаги счетларда ҳисобга олинган харажатлар (тугалланмаган ишлаб иқаришдаги харажатлардан ташқари) ҳисобдан чиқарилади: 2011-«Дехқончилик», 2012-«Чорвачилик», 2013-«Саноат ишлаб чиқариш», 3100-«Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счетлар» (3110-3190), 0800-«Капитал қўйилмаларни ҳисобга оладиган счетлар» (0810-0890).

Счетлар ёпилгунга қадар ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг бажарган ишлари ва асосий ишлаб чиқаришдан олинган маҳсулотлар режа таннари бўйича баҳоланиб, тегишли счетларда ҳисобга олиб борилади. Счетларни ёпиш жараёнида режа таннарх ҳақиқий таннарх даражасига етказилади (олдин ёрдами ишлаб чиқариш ишларига бўйича. Сўнгра эса асосий ишлаб чиқариш тароқ маҳсулотлари бўйича).

Ушбу счетлар ёпилганидан сўнг инвентари, пул маблағлари, фондлар ва ҳисоб-китоб счетларининг якуний қолдиқлари ҳўжаликнинг якуний балансига тўлиқ киритилади. Калькуляция счетлари якуний балансга фақат тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тугалланмаган қурилиш қисмидаги харажатлар бўйичагина киритилади.

Баъзи счетлар, масалан пул маблағларини ҳисобга олувчи счетлар (5000-5700) олинадиган счетлар (4000), жорий мажбуриятлар счетлари (6000-6990) счетларни ёпишга доир операцияларга таъсир кўрсатмайди. Баъзи счетларга масалан, асосий воситалар ва моддий бойликларни ҳисобга олувчи, ушбу қийматликлар йил давомида киримга олинган счетлар фақат режа ёки

дастлабки таннархни аниқлаштириш учунгина счетларни ёпишга доир операцияларга таъсир кўрсатиши мумкин.

Счетларни тўғри ва иқтисодий асосланган кетма-кетликда ёпиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши шароитида жуда муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши шароитлари шундай-ки, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг баъзи қисмидан хўжаликнинг ишлаб чиқариш заруратлари учун фойдаланилади (уруғликлар, ем-хашак ва ҳ.к.). Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ҳам бир-бирига ўзаро ёдам кўрсатади. Бундай ҳолатлар счетларни ёпиш чоғида маълум мураккабликларни юзага келтиради. Ҳар доим ҳам таннарх фарқларини бутун маҳсулот ҳажми ёки бажарилган ишларга тўлиқ тақсिलाш имконияти бўлавермайди. Чунки ёпилаётган счетда аниқланган таннарх тафовутларини ундан олдин ёпилган счетларга олиб бориш мумкин эмас. Шундай қилиб, биринчи навбатда ёпиладиган счетларда харажатларнинг бир қисми тузатишсиз, яъни режа таннархи бўйича баҳоланган ҳолида қолади. Шу блан бирга охирида ёпиладиган счетлар бўйича таннарх тафовутлари ҳамма ҳисоб объектларига ҳам тақсимланавермайди, чунки уларни ёпилган счетларга олиб боришнинг имкони йўқ. Шунга кўра, счетларни ёпишда четлаб ўтиб бўлмайдиган маълум шартларга йўл қўйилади. Бундай шартларни сон жиҳатдан, таннарх тафовутларини олиб бориш имкони бўлмаслиги боис, биринчи даврда ёпиладиган счетлар бўйича энг кўп йўл қўйилади.

Счетларни ёпишда юқорида кўриб чиқилган шартларни энг кам даражага камайитириш учун қуйидаги принципга амал қилинади: биринчи навбатда энг кўп истеъмолчиларга ва энг кўп миқдорда муқобил харажатларга ва охирги нафбатда – энг кўп муқобил хизматлар ва энг кам истеъолиларга эга бўлган тароқларга эга бўлган тармоқ ва ишлаб чиқариш счетлари ёпилади. Шу принципдан келиб иқиб счетларнинг ёпилиши қуйидаги изчилликда амадга оширилади:

1. Ёрдами ишлаб чиқариш хизматлари таннархи ҳисобланади ва 2310-«Ёрдами ишлаб чиқаришлар» счёти ёпилади.

2. 2510-«Умум ишлаб чиқариш» смети, 3100-«Келгуси давр харажатлари» (жорий йил харажатларига ўтказиладиган қисмида) ёпилади.

3. Деҳқончилик тароқлари бўйича алоҳида счетларда ҳисобга олинган асосий воситалар эскириши ва жорий таъирлаш харажатлари тақсиланади.

4. Асосий ишлаб чиқариш тароқлари маҳсулотларининг таннархи ҳисобланади ва аниқланган фарқлар ҳисобдан иқарилади. Маълум кетма-кетликларда 2011-«Деҳқончилик», 2012-«Чорвачилик», 2013-«Саноат ишлаб чиқариш» счетлари ёпилади.

5. 2710-«Хизмат кўрсатувчи хўжаликларни ҳисобга олувчи счетлар» смети ёпилади.

6. Капитал қўйилмаларга доир счетларнинг ёзувлари аниқлаштирилади ва тугалланган ишлар бўйича харажатлар ҳисобдан ўчирилади.

7. Маҳсулот, иш ва кўрсатилган хизматлар реализациядан келган молиявий натижалар аниқланади ва даромадлар ва харажатлар счетлари (9000-9800) ёпилади.

8. Фойда тақсиланади ёки кўрилган зарарлар ҳисобдан чиқарилади ва 9910-«Якуний молиявий натижа» смети ёпилади.

3.2. Деҳқончиликнинг айрим тармоқларида харажатларни ҳисобга олишнинг хусусиятлари

Деҳқончилик тармоғи дон, техник экинлар, озуқа етиштириш, мева, сабзавот ва картошка етиштиришларни қамраб олади. Бу соҳаларнинг ҳар бирида суғориладиган ёки лалми ерлар, ҳимоя қилинган ер бўлишидан қатъи назар, унда уруғчилик ишлаб чиқариши ташкил этилиши мумкин. Буларнинг барчаси бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда албатта ўз аксини топади.

Дон экинлари уруғчилигида харажатлар ва маҳсулотнинг чиқиши уруғчилик, экинлар ва репродукциялар бўғинлари бўйича муфассалаштириб тузилади. Бунда харажатлар белгиланган моддалар бўйича ҳисобга олинади.

Уруғчиликдаги уруғлик дон етиштириш билан бевосита боғлиқ қўшимча харажатлар алоҳида ҳисобланади ва тўғридан-тўғри тегишли олий

репродукциялар: супер-элита, элита, биринчи ва бошқа репродукцияларга ўтказилади. Бундай харажатларга нав ва турларни бегона ўтлардан тозалаш ҳамда ягоналаш, синовдан ўтказиш, йиғиштириш учун қўшимча харажатлар – бошқа навлар йиғиштирилгандан сўнг комбайнларни тозалаш, уруғларни тозалаш ва саралаш, сақлаш харажатлари ва хўжалик ишлаб чиқариш экинзорларида товар дон етиштиришда сарфлашига тўғри келмайдиган харажатлар киради.

Мевачиликдаги харажатларни ҳисобга олиш. Ихтисослашган мевачилик хўжаликлари, шунингдек тегишли тармоқлараро мевачилик корхоналари харажатлар ҳисобини ҳар бир етиштирилаётган экин бўйича юритадилар. Ихтисослашмаган бу тармоқ ёрдамчи аҳамиятга эга бўлган хўжаликларда мевачилик экинлар гуруҳлари (пўчоқли уруғлилар, данаклилар, мевазорлар, ёнғоқ мевалилар ва шу кабилар) бўйича ёки умуман тармоқ бўйича юритилади.

Йил охирида богдорчилик харажатлари ҳисобларида туғалланмаган ишлаб чиқариш бўйича ҳосил йиғиб олингандан кейинги ишлар: шохларни қирқиш, пояларни қўмиш, ўғит солиш кабилар ҳамда уруғдан кўкартирилган кўчатлар, қаламчалар, ерда ўстиришга қолдирилган бир йиллик ва икки йиллик кўчатлар қийматига тенг харажатлар қолади.

Мевачиликда харажатларнинг асосий қисмини товар ишловини бериш (меваларни навларга ажратиш, саралаш, идишларга жойлаш, яшиқларни тахлаш ва шу кабилар) харажатлари эғаллаши туфайли ҳар бир экинлар гуруҳи бўйича иккита аналитик ҳисоб очиш мақсадга мувофиқдир: «меваларни ўстириш харажатлари» ва «маҳсулотга товар ишловини бериш харажатлари». Иккинчи аналитик ҳисобдаги харажатлар асосий маҳсулот таннархига тўлиқ ўтказилади; биринчисидagi эса асосий ва қўшимча маҳсулотлар ўртасида тақсимланади.

Янги кўчатзорлар барпо қилишда фойдаланиладиган ўз хўжалигида етказилган экиш материаллари кўчат, уруғдан ундирилган, пархиш қилинган ва шу кабилар ҳақиқий таннархда баҳоланади. Мевали кўчатзорларни

реконструкция қилиш харажатлари (эски кўчатларни зичлаштириш ва ёш кўчатларни ўстириш ҳисобига гектардаги дарахтлар сонини кўпайтириш) капитал қуйилмалар ҳисобига айна бир вақтда асосий воситалар қийматини ошириб ёзилади.

Ем-хашак экинлар бўйича харажатлар ҳисоби ихтисослашган ва ихтисослашмаган хўжаликларда турлича юритилади. Ихтисослашмаган хўжаликларда ем-хашак экинларининг бир неча етакчи тури ажратилиб, қолганларида ҳисоб алоҳида экин гуруҳлари: бир йиллик, кўп йиллик ем-хашак ва полиз экинлари бўйича юритилади.

Ем-хашак етиштиришга ихтисослашган, корхоналарда харажатлар асосий ем-хашак экинлари бўйича юритилади. Масалан, сепилган кўп йиллик ўтлар гуруҳида: беда, себарга, ялтирбош, ажрикбош, эркак ўт, дуккакли ва бошоқли дон экинларининг аралашмалари. Сепилган бир йиллик ўтлар гуруҳида: сули, судан ўти, сорго ва бошқалар.

Уруғчилик хўжаликларида ем-хашак экинлари харажати ва уруғлик таннархини ҳисоблаш алоҳида экинлар ҳамда уларнинг биологик навлари бўйича юритилади.

Пичанзор ва табиий яйловларга қилинган харажатлар ҳамда ундан олинадиган маҳсулотларни тўғри ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Бу объектлар бўйича барча харажатлар аналитик ҳисобда табиий ва маданийлашган ерлар бўйича қатъий чегараланиши лозим. Маданий пичанзор ва яйловлар барпо қилиш ҳамда уларни яхшилаш (чимзорни ҳайдаш, дискли борона юргизиш, ўтлар экиш ва шу кабилар) деҳқончиликдаги туғалланмаган ишлаб чиқариш таркибида ҳисобга олиниб, маданий яйлов ва пичанзорлар харажати объектлари счегитга яйлов оборотига кўра фойдаланиш йўллари бўйича тақсимланади. Пичанзор ва яйловга қарашга тааллуқли жорий харажатлар(озиклантириш, яйловлардаги озуқага яроксиз қолдиқларни ўриш, сув таъминоти ва сугориш харажатлари, тўсиқларни жорий таъмирлаш)га келганда улар пичанзор ва яйловнинг жорий йил харажати объектига тўлиқ ўтказилади. Умумишлаб чиқариш

харажатларининг тақсимлаш орқали ўтказилган тегишли қисми ҳам шу ерга ёзилади. Пичанзорлар ва яйловларни юзаки яхшилаш харажатлари ҳам жорий йил харажати объектига тўлиқ тарзда ёзилади.

Пичанзор ва яйлов маҳсулотларининг чиқишини тўғри ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Моллар ўтлатиб боқиладиган маданий яйловлар, дала ва ўтзорларнинг ҳосилдорлиги ўриш усулида махсус ҳисоб майдонларида ўтларни синов учун ўриб, ҳар бир ўримдан кейин қолган ўтзорни ҳисобга олиб аниқланади.

Ёпиқ ердаги сабзавотчилик харажатларини ҳисобга олиш. Ёпиқ ерда сабзавот етиштириш харажатлари ихтисослашган хўжаликларда иншоот турлари (қишки иссиқхоналар, ойна ва шаффоф плёнка қопланган баҳорги иссиқхоналар, кичик кўламдаги плёнка билан қопланган жойлар, иситилган ерлар, гидропоника) ва уларда ҳар бир экин бўйича алоҳида, ихтисослашмаган хўжаликларда – ҳар бир иншоот бўйича алоҳида ҳисобга олинади.

Ёпиқ ерда сабзавот етиштиришдаги ўзига хос хусусият туфайли деҳқончиликдаги харажат моддаларининг намунавий номенклатураси иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти моддалари билан тўлдирилади. Буларга тегишли иссиқлик энергияси ва сув иншоотларига қараш учун сарфланган маблағлар киритилади.

Ихтисослашмаган хўжаликларда иншоотлар бўйича бирлаштирилган ҳисобда харажатлар экинлар бўйича чегаралаш фақат йил охирида таннархни ҳисоблаш вақтида ҳар бир экинга фойдаланилган иншоотни квадрат метр-кун ёки ром-кунларга мутаносиб тақсимлаш йўли билан амалга оширилади.

Ихтисослашган хўжаликларда экинлар учун очилган счетларга ўтказиш мумкин бўлган барча харажатлар, шу ерга тўғридан-тўғри ёзилади: меҳнатга ҳақ тўлаш, кўчат, уруғлик, ўғит, тупроққа озик бўладиган аралашмалар қиймати ва шу кабилар. Экинлар сметига бевосита ўтказиш мумкин бўлмаган харажатлар (асосий воситалар амортизацияси, жорий таъмирлаш, суғурта тўловлари, электр, иссиқлик, сув таъминоти ва бошқалар) экинлар бўйича

харажатлар объекти счетиға фойдаланилган квадрат метр-кунларға мутаносиб тақсимланади. Иссиқхоналарда асосий ва зич экинлар бир вақтда ўтирилганда харажатлар улар ўртасида фойдаланилган квадрат метр-кунлардаги майдон ва вақтға мутаносиб тақсимланади. Иссиқхона ва парниклардаги тупроқни алмаштириш харажатлари ундан фойдаланиш муддатига мутаносиб тарзда маҳсулот қийматига ўтказилиши мумкин.

Таннарх – хўжалик ишлаб чиқариш ва молия фаолиятининг муҳим иқтисодий кўрсаткичидир. қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолияти таннарх даражаси билан баҳоланади. Маҳсулот таннархини таҳлил қилиш эса хўжаликда фойдаланилмаётган ички имкониятларни топиш ва ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишга ёрдам беради. Маҳсулот таннархини ҳисоблашдан олдин харажатларни акс эттирувчи счетлар бўйича қуйидагилар синчиклаб текширилади:

барча қилинган харажатлар ва олинган маҳсулотларнинг ҳисобда тўлиқ акс эттирилганлиги;

келгуси йиллар ҳосили учун қилинган харажатларнинг йиллар бўйича тўғри тақсимланганлиги ва ҳисобда тўғри акс эттирилганлиги;

табиий офатлар оқибатида зарарланган экинлар бўйича харажатлар суммасини тўғри ҳисобдан чиқарилганлиги;

2010-«Деҳқончилик» счетида акс эттирилган миқдор кўрсаткичлар (киши-соатлар, экилган уруғлик ва кўчатлар, солинган ўғитлар ва бошқалар) нинг тўғрилиги ва шу кабилар.

Деҳқончиликдан асосий, ёндош ва қўшимча маҳсулотлар олинади. Ишлаб чиқариш қандай маҳсулот етиштириш мақсадида ташкил қилинган бўлса, шу маҳсулот (пахта, ғалла, картошка ва бошқалар) асосий ҳисобланади. Айрим экинлардан икки ва ундан ортиқ асосий маҳсулотлар олинса, улар ёндош маҳсулотлар дейилади. Масалан, бир йиллик ва кўп йиллик ўтлардан пичан, уруғ ҳамда кўк масса олиниши мумкин.

Ўсимликларнинг биологик хусусиятларига қараб асосий маҳсулотлар билан бирга иккинчи даражали, яъни қўшимча маҳсулотлар ҳам олиниши

мумкин (похол, сомон, палак ва бошқалар). Демак, ўсимликчиликдан асосий ва хўжаликда фойдаланиладиган қўшимча маҳсулотлар ҳам олинади.

Маҳсулот таннархини ҳисоблашдаги энг муҳим ҳисоб ишларидан бири харажатларни асосий (ёндош) ва қўшимча маҳсулотлар ўртасида тўғри (ҳаққоний) тақсимлашдир. Экинлардан фақат бир хил маҳсулот олинса, унинг таннархи қилинган барча харажатларни тўғридан-тўғри маҳсулот ҳажми (центнер, килограмм, дона) га бўлиш йўли билан аниқланади.

Агар экинлардан икки ва ундан ортиқ маҳсулотлар олинса, таннарх ҳисоблашда махсус услублар қўлланилади. Бундай ҳолларда харажатлар асосий (ёндош) ва қўшимча маҳсулотлар ўртасида иқтисодий асосланган услублар бўйича тақсимланади ва тегишли маҳсулот тури (асосий, ёндош, қўшимча)га тўғри келган харажат суммаси мазкур маҳсулот миқдорига бўлиниб, маҳсулот бирлиги (ц,кг,дона) нинг таннархи аниқланади.

Дехқончиликда экинлардан олинган ҳосил турлари, туғалланмаган ишлаб чиқаришга ўтказиладиган (уларнинг турлари бўйича) келгуси йил ҳосили учун қилинган харажатлар, корхонанинг ўз айланма маблағи ҳисобидан ер ҳолатини яхшилаш бўйича қилинган ишлар таннарх ҳисоблаш объекти бўлиб ҳисобланади.

Дехқончилик маҳсулотлари таннархини аниқлашда маҳсулотни қаергача етказиб бериш (франко) харажатлари қўшилишини билиш муҳим аҳамиятига эга. Ҳозирги вақтда белгиланган тартибга асосан маҳсулотларни қуйидаги жойларга етказиб бериш (франко) харажатлар қўшиб ҳисобланади:

а) ғалла, пахта, кунгабоқар уруғи-франко-дала (хирмон ёки даладан маҳсулот йиғиладиган бошқа жой);

б) сомон, пичан-франко-сақлаш ёки қайтадан ишлов бериш жой;

в) картошка, сабзавот, полиз экинлари маҳсулотлари, лавлаги ва бошқа илдиз мевалар-франко-сақлаш жойи;

г) қанд лавлаги (фабрикада қайта ишланадиган) – франко-дала;

д) парник иссиқхона сабзавоти-франко-омбор ёки франко-қабул пункти;

е) силосбоп кўк масса-франко силослаш жой;

ж) витаминлаштирилган ўт уни тайёрлаш учун ўрилган кўк масса – франко озиқ тайёрлайдиган жойи.

Демак, маҳсулотни истеъмолчилар (тайёрлов ташкилоти, деҳқон бозори, агар хўжалик етказиб бераётган бўлса, болалар муассасалари ва шу кабилар)га етказиб бериш харажатлари деҳқончилик маҳсулотининг таннархига киритилмайди.

Маҳсулотни сақлаш жойлари (омбор, озиқ сақланадиган жойлар)гача етказиб бериш харажатлари таннархга киритилади, яъни улар йил давомида 2010 счегининг дебетида акс эттирилади.

Пахтачиликда ўрта толали ва ингичка толали пахта навлари маҳсулот таннархини ҳисоблаш объекти бўлиб ҳисобланади. ғўзапоя ва ғўза пўчок (агар фойдаланилса) ёрдамчи маҳсулот бўлиши мумкин.

1 центнер пахтанинг таннархини ҳисоблаш учун ғўзапоя ва ғўза пўчоқлар норматив харажатларда баҳоланиб пахтачилик бўйича қилинган умумий харажатдан чегириб ташланади. қолган харажат суммаси ҳисобга ўтган пахта миқдорида бўлинади.

Мисол: А.Навоий номли ширкат хўжалигида ҳисобга ўтган 4872 центнер ўрта толали пахтани етиштириш учун 117092,0 минг сўмлик харажат қилинган. ғўза поя ва ғўзапўчоқларнинг норматив харажатла бўйича қиймати 164,0 минг сўм. Демак, 1 центнер пахта таннархи 24,0 минг сўмни ташкил этади $(117092,0 - 164,0) : 4872$. Пахтанинг таннархини алоҳида навлари бўйича аниқлашда харажатлар суммаси уларнинг харид баҳоси бўйича аниқланган қийматига мутаносиб равишда тақсимланади. Сўнгра мазкур навга тегишли харажатни шу навдаги пахта миқдорида бўлиш йўли билан ҳар бир нав бўйича 1 центнернинг таннархи аниқланади.

Ғалла экинлари маҳсулотининг таннархи уларга қайта ишлов бериш, қуриштиш натижасида камайиши ва хўжаликда фойдаланилмайдиган хас-чўплар вазни чиқариб ташлангандан кейинги вазнда аниқланади. Масалан, А.Навоий номли ширкат хўжалигида қиримга етиштирилган ғалланинг

бункер вазни 83300 центнер. ғаллага қўшимча ишлов бериш ва уни қуритиш натижасида камайишига тузилган далолатномалар бўйича:

- а) хас-чўп ва ғалланинг қуритиш туфайли камайган вазни 120 центнер;
- б) ем учун фойдаланиладиган дончиқати (лаборатория таҳлили бўйича 40% дони бор) – 180 центнер. Ундан ташқари 54000 центнер сомон олинган. Демак, 83000 центнер соф ғалла билан 180 центнер дон чиқитининг таннархини аниқлаш керак.

ғалланинг таннархини аниқлаш учун 2010-«Дехқончилик» счегининг тегишли аналитик счегиди ғалланинг мазкур тури бўйича ҳисобга олинган барча харажатлар суммасидан сомон учун нормативлар бўйича қилинадиган харажат(ўриб-йиғиб олиш, пресслаш, жўнатиш, ғарамлаш)лар суммаси чегириб ташланади. қолган сумма ғалла билан дон чиқити таркибидаги соф дон ҳажмига мутаносиб тақсимланади. Сўнг чори таркибидаги унинг 1 центнер доннинг таннархи аниқланади.

Ширкат хўжалигида юқорида келтирилган миқдордаги ғаллачилик маҳсулотларини етиштириш учун 426367200 сўм сарфланган.

ғалла маҳсулотлари таннархини аниқлаш учун жами қилинган харажатлардан сомоннинг норматив қиймати чегириб ташланади. Фараз қилайлик, 54000 центнер сомоннинг норматив харажатлар бўйича қиймати 2700000 сўмга тенг, унда 1 центнер сомоннинг норматив таннархи 50,0 сўм (5400х50) бўлади. Бу ҳолда ғалла билан дон чиқитига тегишли харажат 423667200 сўмни (426367200/2700000) ташкил этади.

Дон чиқитининг таркибида 40% дон бўлганлиги учун ғаллага айлантйрилганда 72 центнер бўлса (180х40:100), жами шартли ғалла миқдори 8072 центнер (83000х72) га тенг. Шундан дон чиқитидаги ғалла миқдори 0,09%ни (72х100:83072) ташкил этади. Демак, сомоннинг норматив қиймати(2700000 сўм) чегириб ташлангандан сўнг қолган харажатлар суммасининг 0,09% ини доен чиқити (ғалла)га тегишлидир. Бу 381300,0 сўмни (42366200х0,09/100) ташкил этади. Шундай қилиб, 1 центнер доен

чиқити таннархи 21,20 сўм (381300:180) бўлса, 1 центнер ғалла таннархи 5100,0 сўмга (423667220-381300):83000 тенг.

Уруғчилик хўжаликларида етиштирилган уруғлик дон таннархи куйидаги ҳисоб гуруҳлари бўйича ҳисобланади: суперэлита, элита, I ва II репродукция ва фойдаланиладиган дон чиқити.

Бир центнер тегишли репродукциядаги уруғлик дон (суперэлита, элита, I репродукция ва II репродукция) таннархини аниқлаш учун жами харажатдан дон чиқити норматив қиймати чегириб ташланади. қолган уруғлик донга тегишли сумма юқоридаги репродукцияларнинг сотиш баҳоси бўйича қийматига мутаносиб тақсимланади ва олинган сумма тегишли репродукциядаги уруғлик доннинг, улар тозаланиб, қуритилгандан сўнгги миқдорига бўлинади. Натижада тегишли репродукциядаги I центнер уруғлик доннинг ҳақиқий таннархи аниқланади.

Маккажўхоричиликда дон ва қуруқ поя таннархи аниқланади. Агар барча етиштирилган маккажўхори дони сотилган бўлса, унинг миқдори тайёрлов ташкилотлари маълумотларига мувофиқ аниқланади. Башарти, етиштирилган маккажўхорининг бир қисми хўжаликда озуқа ёки бошқа мақсад учун қолдирилса, қолдирилган суталардан қанча дон чиқиши лаборатория томонидан белгиланган коэффициент бўйича донга айлантирилади. Агарда доннинг намлиги юқори бўлса (маккажўхори донининг базис намлиги – 22%), ортиқча намлик чегириб ташланади.

Базис намлиги (22%) дан ошган ҳар бир фоиз намлик учун дон массаси 1% га камайтирилади. Шундай қилиб, аниқланган маккажўхори дони миқдорини сотилган дон миқдорига қўшиш йўли билан умумий етиштирилган маккажўхори донининг миқдори аниқланади.

Маккажўхори дони таннархини аниқлаш учун қилинган барча харажатлар суммасидан макка поясини ўриб-йиғиб олиш харажатларини ва унинг қийматини чегириб, ташлаб қолган суммани маккажўхори дони миқдорига бўлиш керак.

Картошканинг таннархини ҳисоблаш учун жами қилинган харажатлардан картошка палагининг норматив қиймати чегириб ташланиб, қолган сумма олинган стандарт ва ностандарт маҳсулотлар ўртасида. уларнинг сотиш баҳоси бўйича аниқланган қийматига мутаносиб тақсимлаш йўли билан аниқланади. Масалан, ширкат хўжалигида картошка етиштириш учун 1242000 сўмлик харажат қилинган. Картошка палагининг норматив қиймати 22000 сўм. Стандарт ва ностандарт картошкага тақсимланадиган харажат суммаси 1220000 сўм. 1 центнер стандарт ва ностандарт картошка таннархини ҳисоблаш қуйидаги амалга оширилади.

2-жадвал

Картошка таннархини ҳисоблаш⁴

Маҳсулот номи	Миқдори, ц.	1ц. сотиш баҳоси (сўм)	Сотиш баҳоси бўйича қиймати (сўм)	Жами қийматидаги хиссаси, %	Харажат суммаси (сўм)	1 центнернинг таннархи (сўм-т.)
Стандарт картошка	86	18000	1548000	87,0	1061400	12341
Ностандарт картошка	22	10500	231000	13,0	158600	721
Жами	-	-	1779000	100,0	1220000	-

Ихтисослаштирилган сабзавотчилик хўжаликларида харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш ҳар бир экин ёки унга яқин экинлар гуруҳи бўйича алоҳида, ихтисослаштирилмаган хўжаликларда – асосий сабзавот экинлари ва умуман тармоқ бўйича амалга оширилади.

Сабзавотчиликда бир неча экинларга тегишли умумий харажатлар (ўғит солиш, ерга гербицидлар билан ишлов бериш кабилар) бўлиши мумкин. Улар алоҳида экинлар ўртасида эғаллаган, ўғитланган ёки ишлов берилган майдонлаига мутаносиб тақсимланади. сабзавот ва полиз экинлари уруғлари бўйича харажатлар ҳисоби ҳамда таннарх уруғликлар гуруҳлари (бир йилликлар, биринчи йилдаги икки йилликлар, иккинчи йилдаги икки

⁴ Муаллиф томонидан тадқиқот объект маълумотлари асосида ишлаб чиқилди

йилликлар) бўйича ҳар бир гуруҳдаги асосий экинларни ажратиб ҳисобланади. Бунда олинган маҳсулот (сабзавот, полиз) қўшимча ҳисобланиб ҳашаки илдиз мевалар ёки ҳашаки полиз экинлари таннархи бўйича баҳоланади. Уруғлар таннарҳини ҳисоблашда жами харажатдан қўшимча маҳсулот қиймати ва қолган сумма тозаланган ҳамда қурилган асосий маҳсулотга тақсимланади.

Озуқа сифатида чорва молларига бериладиган илдиз мевалилар, полиз экинлари ҳамда қанд лавлаги таннархи сабзавот, полиз экинлари ва қанд лавлаги таннарҳини ҳисоблаш каби аниқланади.

Ем-ҳашак учун олинган майдонлардан ва табиий пичанзорлардан олинган кўк масса, пичан, жойида едирилган ўтлар, шунингдек уларга қайта ишлов бериш натижасида олинган силос, сенаж, витаминли ўт уни ва шу кабилар маҳсулот таннархи ҳисоблаш объекти бўлиб ҳисобланади.

Экилган ўтлар ва табиий пичанзорлардан фақат битта маҳсулот олинса, унинг таннархи қилинган харажатларни маҳсулот миқдорида бўлиш йўли билан аниқланади.

Экилган бир йиллик ва кўп йиллик ўтлардан бир неча хил маҳсулот (пичан, уруғ, сомон, кўк масса) олиш мумкин. Бундай ёндош маҳсулотлар таннарҳини режалаштириш ва ҳисоблашда, уларни етиштириш учун қилинган харажатлар қўйидаги коэффицентлар бўйича тақсимланади:

Бир йиллик ўтлар: пичан $I_{цкI,0}$; уруғ $I_{цк9,0}$; сомон $I_{цк0,I}$; кўк масса $I_{цк0,25}$.

Кўп йиллик ўтлар: пичан $I_{цкI,0}$; уруғ $I_{цк75,0}$; сомон $I_{цк0,I}$; кўк масса $I_{цк0,03}$.

Ҳолати яхшиланган пичанзорлар ва табиий ўтлоқлардан икки ва ундан кўп маҳсулот (кўк масса пичан ва бошқалар) олиш мумкин.

Бундай ҳолатларда қилинган харажатлар олинган маҳсулотлар ўртасида бир гектардан ўриб-йиғиб олинган маҳсулотнинг озуқа бирлигига мутаносиб равишда тақсимлаш йўли билан маҳсулот бирлигининг таннархи аниқланади.

Чорва молларини ўтлатиб едирилган ўтлар миқдори аграном ҳисоби бўйича аниқланади.

Кўп йиллик ўтлар учун қилинган харажатларни аниқлаш баъзи хусусиятларга эга. Кўп йиллик ўтлар маҳсулотларидан бир неча йил давомида фойдаланилади. Шунинг учун уларни экиш билан боғлиқ харажатлар улардан фойдаланиш йиллари ўртасида тенг тақсимланади. Масалан, кўп йиллик ўтлардан уч йил давомида фойдаланилса, биринчи йилда харажатнинг 34, иккинчи ва учинчи йиллари 33 фоиздан харажат моддалари бўйича ўтказилади.

Силос ва сенажнинг таннархи уларга сарфланган кўк массанинг таннаридан, силос босиш харажатлари (хандакни тозалаш, кўк массани зичлаш, устидан ёпиш), силос иншоотларининг амортизацияси, таъмирлаш харажатлари ва силос (сенаж) босишда қўлланиладиган бошқа қўшимчалар (компонентлар) қийматидан ташкил топади. Силос бостирилган кундан 20-25 кун ўтгач махсус комиссия силос иншоотининг ҳажмига қараб ундаги силос (сенаж) миқдорини аниқлайди. Силос (сенаж) тайёрлаш билан боғлиқ барча харажатлар суммасини тайёрланган озиқ миқдорига бўлиб бир центнер (тонна) маҳсулотнинг ҳақиқий таннари аниқланади.


Бу маҳсулотларнинг таннарини ҳисоблашда жорий йилда ҳисобга олинган харажатлар суммасидан қаламча, пархшлаш, илдиз бачки ва новдаларнинг сотиш баҳосида баҳоланган қиймати чегириб ташланади.

1 центнер узум таннари жами қилинган харажатни олинган маҳсулотга (унинг нави бўйича) бўлиш йўли билан аниқланади.

Мева боғлардан олинган асосий маҳсулотлар стандарт ва ностандарт бўлиб, уларнинг таннари алоҳида аниқланади. Тегишли харажатлар эса стандарт ва ностандарт маҳсулотлар ўртасида уларнинг ўртача харид нархи бўйича қийматига мутаносиб равишда тақсимланади.

Дехқончилик маҳсулотларининг ҳақиқий таннари аниқланганидан сўнг йил охирига сарфланмай қолган уруғлик, ем-хашак, товар маҳсулотлар ҳамда сотилган, қайта ишланган, чорва молларига ва бошқа эҳтиёжлар учун

сарфланган маҳсулотлар қайта баҳоланади яъни уларнинг режа таннархи ҳақиқий таннархига тенглаштирилади.



4-чизма: Хорижий амалиётда умумишлаб чиқариш харажатларини маҳсулот таннархига тақсимлаш усуллари

Маҳсулотларнинг ҳақиқий ва режа таннархи ўртасидаги фарқлар қуйидагича ҳисобдан ўчирилади: бутун корхона бўйича маҳсулотларнинг ҳар бир тури бўйича режадаги ва ҳақиқатдаги харажат суммалари таққосланади ва натижада тақсимланиши лозим бўлган умумий фарқ топилади; маҳсулот турлари бўйича умумий фарқни коррективировка қилиниши керак бўлган маҳсулот миқдорига бўлиб, маҳсулот бирлигига қанча тежаш ёки ошиқча сарфлаш тўғри келиши аниқланади; аниқланган суммалар маҳсулотларнинг турлари бўйича ишлатилган ва хўжаликда қолдирилган миқдорларига кўпайтирилади ва шу маҳсулотлар акс эттирилган счетларга қўшимча ўтказиш (ошиқча сарфланганда) ёки сторно қилиниши (тежалганда) керак.

Маҳсулотларнинг режа ва ҳақиқий таннархлари ўртасидаги тафовутлар бошқача усулда яъни тафовутларнинг маҳсулотлар режа таннархига нисбатан фоизда ҳисобланган ҳиссалари бўйича ҳам ҳисобдан ўчирилиши мумкин. Бу усулда режа ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги тафовут қуйидагича ҳисобдан ўчирилади: ҳар бир аналитик счет бўйича йил давомида киримга олинган маҳсулотларнинг режа таннархини уларни етиштиришга кетган ҳақиқий харажатлар билан таққосланади ва бундай таққослаш асосида тақсимланиши лозим бўлган фарқ топилади; топилган фарқлар маҳсулотларнинг режа таннархига нисбатан фоизларда аниқланади; ишлатилган ва хўжаликда

қолдирилган маҳсулотларнинг режа таннархи ҳисоблаб чиқарилган фоизга кўпайтирилади ва коррективировка қилиниши лозим бўлган сумма аниқланади.

Маҳсулотлар режа ва ҳақиқий таннархлари ўртасидаги тафовутларнинг жами маълумотлари экин турлари (бир хил экин гуруҳлари) бўйича таркибий бўлинмалар шахсий ҳисобварақлари(83-АСК шакл)га ва 10-АСК журнал-ордерга ўтказилади.

Дехқончилик харажатлари ва маҳсулотлари чиқиши ҳисобини ЭХМ ёрдамида компьютерлаштириш учун хос рақам тузишнинг биринчи босқичида, умумий хос рақамларидан ташқари, ишлаб чиқариш харажатлари моддалари, деҳқончиликдаги қишлоқ хўжалик иш турлари, таркибий бўлинмалар, 2010счётнинг хусусий хос рақамлари қўлланилади.

2010 счёт бўйича хос рақам дебети ва кредити бўйича алоҳида тузилади ва олти рақамдан иборат бўлади. 2010-«деҳқончилик» счёти дебет қисмидаги биринчи тўртта рақам (2010) синтетик счётнинг рақамини, бешинчи рақам – ернинг тури (1 суғориладиган, 2-лалмикор ва ҳ.к.), олтинчи – ўсимлик тури (ўсимликлар гуруҳи), Масалан, 2010111 хос рақам дебети бўйича суғориладиган ерларда пахта етиштиришга қилинган харажатлар бўлса, 201101 хос рақам кредити – пахта ҳосилининг олинини билдиради.

Хос рақам тузишнинг иккинчи босқичида хусусий хос рақамлар ўсимликчилик харажатлари ва маҳсулотлари ҳисоби билан боғлиқ тегишли хўжалик муомалалари ва НМА ишчи таснифлагичларида гуруҳланади. Булар қаторига меҳнат ва унга ҳақ тўлаш, материаллар сотиб олиш, иш хизматлар; моддий бойликларнинг сарфланиши ва маҳсулот чиқиши ҳамда кулда ва от-кулда бажариладиган ишларга оид НМА таснифлагичлари; тракторларнинг транспорт ва қишлоқ хўжалик ишлари; автотранспорт ишлари ҳисобига оид хўжалик муомалаларининг ишчи таснифлагичлари киради.

Таснифлагичда ҳар бир ёзувга унинг барча қисмларини ўз ичига оладиган жамлама хос рақам берилади. Масалан, хўжалик муомаласининг жамлама хос рақами лалмикор ерда кузги буғдой экиш учун сарфланган, ўтган йилда етиштирилган уруғлик ҳисобдан учирилиши билдиради. У

куйдагиларни ўз ичига олади: дебет 201021, харажат моддаси 036 кредит 101011, ўлчов бирлиги 12. Ёки, масалан, 4217 жамлама хос рақами кузги бугдодан олинган ҳосил кирим қилинишини билдиради.

Таснифлагичлардаги ўсимликчилик харажатлари ҳақидаги норматив маълумотли ахборотлар ЭХМ хотирасига киритилади ва зарурат туғилганда ундан олинади.

Дехқончилик харажатлари ва маҳсулотлар чиқишига оид дастлабки ҳужжатларга ишлов беришда улардаги ахборотлар хўжалик муомалаларининг жамлама хос рақамларига асосан автоматик тарзда ЭХМ хотирасидан чиқарилади.

Дехқончилик харажатлари ва маҳсулотлар чиқишининг ҳисобига оид топшириқларни ечиш натижасида №30 «Ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот чиқиши ва хизмат кўрсатишни ҳисобга олиш ведомости (таркибий бўлинмалар бўйича)» ва 33 «Ишлаб чиқариш харажатларини моддалар бўйича ҳисобга олиш ведомости (қишлоқ хўжалик корхонаси бўйича)» машинаграммаларга олишда ишлатиладиган зарур массивлар автоматик равишда шаклланади.

Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқиши (хизмат кўрсатиш) бўйича айрим тузиладиган, №30 машинаграммада 2010-«Дехқончилик ишлаб чиқариши» счетининг дебетида таркибий бўлинмалар бўйича корреспонденцияланувчи счетлар суммаларининг жами харажат моддалари, ер турлари, аналитик счетлар ва синтетик счет, ҳамда ҳисобот ойида ва йил бошидан бошлаб аналитик счетлар бўйича миқдорлар жами келтирилади. Машинаграммада бу счетнинг кредити бўйича олинган маҳсулот ва кўрсатилган хизматларнинг турлари бўйича бир ойлик ва йил бошидан хусусий миқдор-сумма жамлари, счет ва ер турлари бўйича умумий ва аналитик счет хос рақами бўйича оралиқ сумма жамлари келтирилади.

31-машинаграмма мазмуни ҳам шу каби бўлиб, фақат келтирилган кўрсаткичларнинг йиғиндилари бутун хўжалик бўйича келтирилади. 30 ва 31

машинаграммалар шахсий варақа (83-АСК шакл) ва 10-АСК журнал-ордернинг ўрнини босади.

32-машинаграммада таркибий бўлинмалар (оила пудратлари ва ш.к.) харажатлари харажат моддалари, ер турлари ва аналитик счетлар бўйича гуруҳланади. 33-машинаграмма мазмуни ҳам шу каби. Фарқи фақат унда харажат моддалари бўйича гуруҳлаш бутун хўжалик бўйича амалга оширилади. 32 ва 33 машинаграммалар ички хўжалик бўлинмалари ва бутун хўжалик бўйича харажатларни моддалари бўйича таҳлил қилиш учун ишлатилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин барча соҳаларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг янада такомиллашуви масаласи тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Бунда асосий эътибор хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш, рақобатчилик муҳитини шакллантириш, макроиқтисодиётни барқарорлаштириш, миллий валюта қадрини ошириш, чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш, кучли ижтимоий ҳимояни таъминловчи давлатни қарор топширишга қаратилади.

Юқоридагилардан ташқари, бухгалтерия ҳисобини ҳам ислох қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади ривожланаётган бозор иқтисодиётини талабларига мувофиқ келадиган иқтисодий ахборот тизимини шакллантиришдир. Бухгалтерия ҳисоби ислохоти Ўзбекистонда иқтисодий ислохотни муваффақиятли ўтказишнинг муҳим шартларидан биридир, бу капитал бозорини ривожлантириш, хусусийлаштириш, ички ва ташқи инвестиция оқимини кенгайтириш, хусусий сектор фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун ишончли ахборот асосини яратиш имконини беради.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби бошқарув ҳисобининг асосий таркибий қисми бўлиб, унинг ҳисобини бухгалтерияда тўғри ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир корхона фаолият юргизишдан мақсад фойда олишдир. Фойданинг юқорилигини таъминлаш учун ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларини аниқ ҳисобга олиш керак.

Ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисоби тизими таркибида бошқарув ҳисобининг вужудга келиши ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Ушбу малакавий ишда иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида турли хил мулкчилик шакллариининг ташкил топиши ва корхоналарда хўжаликни бошқаришнинг янги механизминини яратиш заруриятининг амалдаги ҳолатини ўрганиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Бухгалтерия ҳисоби бошқарув жараёни учун асосий маълумот манбаи ҳисобланиб, менежерлар учун асосий маълумот етказувчи ҳисобланади. Бизнинг фикримизча бухгалтерия ҳисоби ишлаб чиқаришнинг бошқарув тизимида фақатгина бошқарув объектлари ҳақида маълумот бериш манбаи бўлиб қолмасдан, балки унинг ҳолати устидан тезкор равишда назорат қилиш воситаси бўлиб хизмат қилиши керак. Шу сабабли бухгалтерия ҳисоби хўжалик субъектлари фаолияти ҳақидаги зарурий, тезкор ва аниқ маълумотларни етказиб бериши лозим.

2. Қишлоқ хўжалик корхоналарида харажатларни ҳисобга олиш маҳсулот таннархини калькуляция қилиш энг асосий вазифалардан ҳисобланади. Шунинг учун хом-ашё ва материал сарфларини тўғри ҳисобга олиш ва таннарх шаклланишини бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Амалда қўлланаётган таннарх аниқлаш усуллари айрим ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнларидаги харажатларни тўлиқ акс эттирмайди.

3. Корхоналар ишлаб чиқариш жараёнининг бухгалтерия ҳисоби тизимини ўрганиш уларда технологик жараёнларни ҳисобга олиш тўғри юритилмаганлиги аниқланди. Чунки технологик жараёнлар қанчалик юқори сифат билан амалга оширилса, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати ҳам шунча юқори бўлади. Шу билан биргаликда технологик жараёнларга сарфланган харажатлар ҳисоби ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмалари фаолиятини назорат қилишнинг муҳим кўрсаткичи бўлган технологик таннархни ҳисоблаш имконияти яратилади. Технологик жараёнлар ҳисобини ташкил қилишда ҳар бир босқич учун технологик смета тузиш ва унда бажариладиган барча иш турлари кетма-кет ёзилиши ва уларга сарфланадиган харажатлар белгиланган меъёр бўйича ҳисобга олинса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳар бир босқичдаги технологик жараёнлар амалга оширилиши билан сарфланган ҳақиқий харажатлар технологик жараёнлар сметасида ўз аксини топиши зарур. Харажатларнинг четга чиқиши режа таннархи билан ҳақиқий таннарх ўртасидаги маълумотларни таққослаш орқали аниқланади.

Корхоналарда ҳисобот оyi давомида содир бўлган харажатлар бухгалтерия ҳисобида умумлаштирилиб, цех бўйича ишлаб чиқариш ҳисоботи тузилади. Аммо ушбу ҳисоботда материаллар, меҳнат харажатлари ва бошқа бевосита харажатлар меъёр бўйича ва меъёрдан четга чиқишлар алоҳида ажратилиб кўрсатилмайди. Натижада маҳсулотларни ишлаб чиқаришда турли хил маҳсулотларга сарфланадиган моддий, меҳнат харажатлари, ижтимоий суғурта ажратмалари, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси харажатлари бўйича меъёрдан четга чиқишларни аниқлаш имкони бўлмайди.

Бизнинг фикримизча, ҳисоботда ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва ҳақиқий моддий ва бошқа харажатларни маҳсулот таннархига тақсимлашда меъёрдан четга чиқишлар ҳар бир маҳсулот тури бўйича алоҳида ҳисобга оlinиши керак.

4. Назаримизда, мулк эгалари ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилишдан мақсад қуйидагилардан иборат деб уйлаймиз:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини тўғри аниқлаш, харажат ва калькуляция объектига асосланган ҳолда ўтказиш;
- иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида рақобатдошлар тайзиқидан сақланиш ва товарлар сегментини тўғри аниқлаш;
- ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатларини аниқ чегаралаб олиш;
- таннархни тўғри шакллантириш ва уни пасайтириш имкониятларини аниқлаш.

Шундай қилиб, мазкур битирув малакавий ишда қишлоқ хўжалик корхоналарда бозор муносабатлари шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилишнинг услубий асосларини ривожлантириш масалалари тадқиқ этилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Янги таҳрири. 2007 йил 22 ноябрда тасдиқланган.
3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. 21.12.1995 йил тасдиқланган, 01.04.1996 йилдан кучга кирган.
4. Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуни 1996 йил 30 август.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва фармонлари.

6. Ўзбекистон Республикаси. Президентининг «Иқтисодиётда ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони. 1995 йил 12 май, 2003 йил 4 июлдаги ўзгартиришлар билан.
7. Ўзбекистон Республикаси. Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. 2005 йил 6 октябр.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини шакллантириш таркиби тўғрисида”ги Низоми. 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги 365-сонли қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги 2000 йил 20 июлдаги 280-сонли қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги.2002 йил 19 мартдаги 88-сонли қарори.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

12. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”— Т.: Ўзбекистон, 2009 йил.

13. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: Ўзбекистон. 2010

14. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Т.: Ўзбекистон. 2011йил.

15. Каримов И.А. 2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон. 2012 йил

16. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Т.: Ўзбекистон. 2013 йил.

V. Асосий ва қўшимча адабиётлар.

17. Бобожонов О. Молиявий ҳисоб. Дарслик. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро (IAS), Америка (GAAP) ва миллий (БХМС) стандартларига асосан ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. – Т.: Молия, 2002.-456 б.

18. Ваҳобов А.В., Ибрагимов А.Т., Ишонкулов Н.Ф. “Молиявий ва бошқарув таҳлили”. Дарслик. Т.; “Шарқ”, 2005 й.-474 б.

19. Войтоловский Н.В. Экономический анализ: Основы теории. Комплексный анализ хозяйственной деятельности организации. Учебник.-М.: Высшее образование, 2006. 452 ст.

20. Гадоев Э. ва бошқ. Йиллик ҳисобот-2008. Тошкент: NORMA, 2009.- 597б.
21. Гадаев Э. и другие. Годовой отчет-2009. NORMA, 2010.- 368 б.
22. Гадоев Э. ва бошқалар. Бухгалтер учун амалий қўлланма: икки жилдлик. Тошкент NORMA. 2010.
23. Джамбакиева Г. Финансовый учет. Учебное пособие. Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2012 й. – 348 б.
24. Донцова Л.В. Анализ финансовой отчетности: Учебник.-М.: Дело и Сервиз, 2008.
25. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.-254 б.
26. Завалишина И.А. Бухучет по новому. –Т.: Мир экономики и права, 2004. 432 стр.
27. Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиев И., Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Т.: Иқтисод-молия нашриёти, 2008.-444 б
28. Каримов А., Исломов Ф., ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2004.-592б.
29. Макарьева В.И. Анализ финансово-хозяйственной деятельности организации. Учебник.-М.: «Финансы и статистика», 2008.
30. Маматов З.Т.Аудит:муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари.- Т.:ТМИ.2004.-348 б.
31. Маматов З.Т.,Норбеков Д.Э. Аудит:Ўқув қўлланма.- Т.:ТМИ, 2007.-137 б
32. Ортиков Х.А. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига шарҳлар тўплами. Тошкент, «NORMA», 2010. — 528-б
33. Ортиков Х.А. ва бош Бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмалар тўплами. Тошкент, «NORMA», 2010. — 368-б
34. Очилов И., Қурбонбоев Ж. Молиявий ҳисоб. Т.: ТМИ, 2004.-256 б.

35. Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма.-Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. 252 б.
36. Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма.-Т.: «Меҳнат», 2004. – 416 б.
37. Сотволдиев А.С. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. - Т.: Миллий Ассоциацияси, 2004, 429 б.
38. Сотволдиев А.С. Финансовый и управленческий учет. Учебник. Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2012 й. – 280 б.
39. Сотиволдиев А.С. Бухгалтернинг изоҳли луғати. Тошкент: NORMA, 2010 йил. 280 б.
40. Тулаходжаева М.М. ва бошқалар. Аудит. II жилд. Тошкент: NORMA, 2008 йил. 320 б.
41. Шагиясов Т.Ш., Сагдиллаева З.А., Файзиев Б.В. Финансовый и управленческий анализ. Учебник.-Т.: «Иқтисод-молия», 2008. 352 с.
42. Шоғиёсов Т.Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма.-Т.: «Иқтисод-молия», 2009. – 324 б.
43. Ўразов Б., Воҳидов В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Т.: «ADIB NASHRIYOTI», 2011 й. – 494 б.
44. Қосимов Х. ва бошқалар.т Аудиторлик фаолияти бўйича услубий қўлланмалар тўплами/. - Тошкент, 2010. - 320 б.
45. Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма. Тошкент: NORMA, 2010 йил. 496 б.
46. Хамдамов Б.Қ. Аудит иқтисоди. -Т.: ТМИ, 2005. 172 б.

VI. Интернет сайтлари.

- <http://www.gov.uz>. (Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали)
- <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).
- <http://www.ziynet.uz> (Ахборот таълим тармоғи)
- <http://www.lex.uz> (Ўз. Респ. қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)